Куч—адолатда

АДОЛАТ

Ўзбекистон «Адолат» СДП газетаси

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган ✡ 1998 йил, 26 июнь, № 25 (168) ✡ Жума кунлари чиқади ✡ Сотувда эркин нархда

ЮРТБОШИ ЎГИТЛАРИ

● Хоҳ катта, хоҳ кичик корхона ёки ташкилот раҳбари ўз ходимининг ташвишларидан хабардор бўлмас ва уларни севмас экан, у раҳбар бўлишга нолойиқдир.

* * *

● Ҳар бир инсон ва биринчи навбатда мансабдорлар ўз жойида ҳалол, сидқидилдан меҳнат қилса ва ўз бурчини виждонан бажарса... Унда олам сўзсиз гулистон бўларди.

* * *

● Бинобарин, саводли халқ ва илмли раҳбарлар билан ишлаш ҳам осон, ҳам завқли.

* * *

● Эртанги кун янгича фикрлайдиган, замонавий билимларга эга бўлган юксак малакали мутахассисларни талаб этади.

«Адолат» шарҳи

ИЗЛАНИШ МЕВАСИ

Қадимги дунё донишмандларининг ҳикматлар китобини варақлаб ўтирарканман, машҳур файласуф Цицероннинг қуйидаги сўзларига кўзим тушди: «Фақат ҳаракатгина эзгуликнинг ҳақиқий қадр-қимматини белгилайди». Дарҳақиқат, дарёнинг суви оқмай тўхтаб қолса, у бора-бора кўлмак бўлиб қолади ва буғга айланиб, қуруқ ўзани қолади, холос. Бу — ҳаёт ҳақиқати.

Киши ўз устида ишласа, тинмай изланса, унинг бу ҳаракатлари пировард бир кун муваффақият масканига олиб келади. Бу йўлида, майли, у янглишсин, камчиликка, хатоликка йўл қўйсин. Тузукроқ ўйлаб қарасангиз, ушбу камчилик ва хатолар ҳам фойдадан ҳоли эмас. Улар ҳам кишини бирон-бир нарсага ўргатади...

Республикамиз Президентининг шу йил 18 ва 19 июнь кунлари Андижон ва Фарғона вилоятларига бўлган сафари таассуротлари билан танишар эканман мана шу фикрлар хаёлдан ўтди.

— Андижон вилоятига қадам қўйсанг, бу ерда бошқа жойда учрамайдиган, тамомила ўзгача бир вазиятга дуч келасан, киши, — деган фикрни билдирди юртимиз раҳбари, — бу ерда ҳамма нималар тўғрисидадир изланади, бирон-бир янгилик яратиш учун қуйиб-ёнади, ҳаракат қилади. Майли, уларнинг бу ҳаракатлари бирданига ўз мевасини бермасин, баъзан бу нарса тажрибалар, хатоликларга ҳам олиб келсин, бироқ бу нарса ҳам кечирарлидир, чунки пировард натижада изланиш бор...

Президентимиз андижонликлар изланаизлана пахтани плёнка остида етиштиришни ҳаётга жорий этганликлари, ҳозир юз фоиз шу усулга ўтганликлари, пахтанинг янги, одатдан ташқари рангли навларини яратиш устида иш олиб бораётганликлари ва бошқалар тўғрисида илиқ гапларни айтди.

Давлатимиз сардорининг ҳар йили, қишлоқ хўжалик мавсуми айни қизиган кунлари республикамизнинг турли ҳудудларига чиқиб, ишларни жойларда ўз кўзи билан кўриши одат тусига кириб қолган. Бу галги сафар ҳам худди ана шу мақсадни кўзлади. Президент Ислом Каримов республиканинг йирик ҳудудларидан бўлмиш Андижон ва Фарғона вилоятларидаги улкан ишлар билан яқиндан танишди, муваффақиятларни таъкидлаб кўрсатди. Етишмовчиликлар ҳақида ҳам рўй-рост айтиб ўтди.

Юқорида таъкидлаганимиз каби, Андижон вилоятида амалга оширилаётган ишлардан давлатимиз раҳбари ўзининг қаноат ҳосил қилганини яшириб ўтирмади. Уни, айниқса, Олтинкўл туманидаги «Намуна» жамоа хўжалиги, Балиқчи туманидаги «Шерали чек» жамоа хўжалигининг Маъруфжон Насриддинов бошлиқ фермер хўжалигида амалга оширилаётган ишлар мамнун қилди.

Президентимизнинг раҳбарлик фаолиятидаги асосий йўналиши инсон ҳақидаги доимий ғамхўрликдир. Андижон — мамлакатимиздагина эмас, балки жаҳонда ҳам аҳоли энг тиғиз жойлашган вилоят эканлиги ҳаммага маълум. Бу ерда йилдан йилга аҳоли сонининг ортиб бориши, улар учун янги иш ўринлари ташкил этиш, доимий ғамхўрлик давлатимиз раҳбарининг ҳамиша диққат марказида турганлигининг боиси ҳам ана шунда. Кейинги йилларда вилоятда қудратли автомобиль заводи иш бошлади. Мингга яқин иш ўринлари очилди. Лекин бу — ишнинг бир қисми, холос. Вилоят аҳолисининг турмуши, ҳаётида бекаму-кўстликка эришмоқ учун ҳали кўп ишларни амалга ошириш керак. Президент ўз сафари давомида ана шу кўламли ишлар ва режалар билан танишди. Жумладан, унинг галла ўримида янги, хориждан сотиб олинган техникалардан самарали фойдаланиш масалалари билан қизиқиши, Хўжаобод туманидаги ерости газ омбори қурилишини кўздан кечириши ана шулар жумласидандир.

Ўзбек халқининг жаҳондаги аввалги қадр-қимматини тиклаш, аждодларимизнинг ким эканликларини жумлаи жаҳонга кўрсатиб қўйиш йўлидаги катта ишлар давлатимиз раҳбари сиёсатида бош йўналишлардан бирини ташкил этишини ҳамма яхши билади. Юртимиз раҳбарининг Фарғона вилоятида, Қува шаҳрида буюк аллома Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллик туйига бағишлаб барпо этилаётган Шаҳристон меъморий мажмуи қурилишини кўздан кечириши, маслаҳатлар бериши ана шу ғамхўрликнинг яққол намунаси бўлиб хизмат қилади.

— Биз абадий қоладиган масканларни барпо этишимиз лозим, — деди Президентимиз. — Ҳар бир ашёни нозик дид билан ишлаб чиқиш, узоқни кўзлаб иш тутиш керак. Ал-Фарғонийнинг ҳайкали, боғдаги дарахтлар, фавворалар, ариқлар, йўлакларнинг ҳаммаси шундай бўлиши керакки, бу ерга кирган киши ҳузур қилсин. Шундагина бунёд этилаётган бу маскан ҳақиқатан ҳам чинакам оромгоҳ бўлади.

— Бу заминда Ал-Фарғонийдек буюк алломаларимиздан илгари ҳам тараққиёт ривож топган, — дея яна таъкидлади Ўзбекистон Президенти, — аминманки, қазилма ишлари давом эттирилса, 2,5—3 минг йиллик тарих юзага чиқади.

Айтиб ўтиш керакки, Ал-Фарғоний ишлаб чиққан ноёб асбоб билан қадимги мисрликлар Нил дарёсининг ўлчамини доимо аниқлаб борганлар, кўпдан кўп сув тошқинларидан олдиндан бохабар бўлган ҳолда, талайгина фалокатларнинг олдини олиб қолганлар...

Ислом Каримов Фарғона вилояти ҳокимлигида фаоллар билан бўлган учрашувда ислоҳотларни жадаллаштириш, унда раҳбардан тортиб оддий деҳқонгача фидойилик кўрсатиб ишлаши лозимлигига йиғилганлар эътиборини қаратди.

Учрашувда қишлоқ хўжалигида иш юритишнинг оила пудрати, аҳолини иш билан таъминлаш сингари ижтимоий масалалар хусусида сўз юритилди.

Фарғонадаги учрашув чоғида юртимиз раҳбари «Қалбим ҳамиша сизларга тортиб туради» деди. Бу сўзларда ўзгача ҳикмат бор. Ўзига ишонган одамлар ҳолидан, уларнинг иссиғию совуғидан ҳамиша хабар олиб туриш, керак бўлса, ўз вақтида ёрдам қўлини чўзиш-ҳозирги раҳбарнинг асл фазилатларидан бири бўлмоғи керак. Бу галги сафари билан Президентимиз бу борада ўзига хос ўрнак кўрсатди.

БОШ МУҲАРРИР.

● Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги хабар қилади:

ТАШРИФ ДАВОМ ЭТМОҚДА

СОФИЯ, 24 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Болгария Республикасига давлат ташрифи давом этмоқда.

Расмий музокаралар Уйида икки мамлакат делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон билан Болгария ўртасидаги транспорт, савдо-сотиқ, маданий ва бошқа соҳаларда ўзаро алоқаларни ривожлантириш, давлатларимизнинг сиёсий ва иқтисодий ҳамкорлигини янада юқори поғонага кўтариш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Музокаралар якунида икки томонлама ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди. Унда дўстона муносабатлар ва ҳамкорлик тўғрисидаги Шартнома, Ўзбекистон Республикаси ва Болгария Республикаси ўртасида сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисидаги, маданий соҳада ҳамкорлик, савдо ва иқтисодий ҳамкорлик ҳақидаги, сайёҳлик соҳасида ҳамкорлик, автомобилларда халқаро йўналишда ва юк ташиш тўғрисидаги Битимлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси ва Болгария Республикаси ҳукуматлари ўртасида транспорт соҳасида ҳамкорлик ҳақидаги Меморандум имзоланди.

Ислом Каримов ва Патер Стоянов оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани ўтказиб, журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтардилар. Жумладан, Президентларнинг яккама — якка суҳбат ҳамда кенгайтирилган таркибдаги музокараларда кўриб чиқилган масалалар хусусида сўз борди.

Миллий маданият уйида давлатимиз раҳбари Болгария ишбилармон диоралари вакиллари билан учрашди. Ислом Каримов тадбиркорлар билан суҳбат чоғида Ўзбекистонда хорижий сармаядорлар учун яратилган қулайликлар, юртимиздаги иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришлар ҳақида сўзлади. Болгария ишбилармонлари Ўзбекистондаги сармоявий муҳитни бошқа давлатда учратиш мушкул эканини эътироф этиб, ҳамкорликни кенг кўламда ривожлантиришга тайёр эканликларини билдиришди.

Ислом Каримовнинг Болгарияга ташрифи давом этмоқда.

ТАШРИФ НИҲОЯСИГА ЕТДИ

ВАРНА, 25 июнь. Болгарияга расмий ташриф буюрган Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов кеча мамлакатнинг йирик порт шаҳри бўлган Варнага келди. Икки давлат байроқлари билан безатилган аэропортда мамлакатимиз раҳбарини Варна вилояти губернатори Д. Митов, Варна шаҳри мэри Х. Кирчов кутиб олди.

Ислом Каримов рафиқаси билан «Евксиноград» қароргоҳига йўл олди. Бу ерда олий даражадаги меҳмонни Болгария Президенти Петар Стоянов ва унинг рафиқаси қарши олди.

Бугун Ислом Каримов Болгария Президенти ҳамроҳлигида Варна шаҳридаги Ферибот мажмуига келди. Мазкур мажмуа паромлар орқали юк жўнатиш ва қабул қилишга ихтисослаштирилган бўлиб, унинг тўртта кемаси бор. Мажмуа йилига 120 минг вагонни қабул қилиш имкониятига эга. Бу ерда ҳар йили 3,2 миллион тонна юк қабул қилинади ёки жўнатилади. Хусусан, ўтган йили 2700 тонна Ўзбекистон пахтаси мана шу портга келтирилиб, кейинчалик турли манзилларга жўнатилган. Давлатимиз раҳбари мажмуа фаолияти билан танишди.

Ислом Каримов мажмуанинг «Одессқ қаҳрамони» паромини кўздан кечирди. Мазкур кемага бир вақтнинг ўзида 108 вагонни сиғдириш мумкин. Юртбошимиз бу улкан паромнинг имкониятлари, тузилиш таркиби ва бошқа хусусиятлари билан қизиқди.

Шу билан Ислом Каримовнинг Болгарияга расмий ташрифи ниҳоясига етди. 25 июнь куни Ўзбекистон Президенти Варнадан Тошкентга жўнаб кетди. Аэропортда мамлакатимиз раҳбарини Болгария Республикаси Президенти Петар Стоянов кузатиб қолди.

* * *

Шу куни Ислом Каримов Ўзбекистонга қайтиб келди. Пойтахт аэропортида давлатимиз раҳбарини Олий Мажлис Раиси Э. Халилов, Бош вазир Ў. Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

Кутлаймиз!

«НАВРЎЗ – БОҚИЙ БАЙРАМ!»

танлови ғолиблари

Наврўз халқимизнинг энг қадим ва мўътабар байрамидир. Бу улуғ шодиёнанинг ҳеч бир байрамга ўхшамайдиган жиҳатлари мавжуд, у халқнинг янада ҳамжиҳат, саховатли, меҳр-оқибатли бўлишига хизмат қилади. Бу қутлуғ байрамнинг бетакрор жиҳатлари ялт этиб кўзга ташланишида, янада оммавий тус олишида қалам аҳлининг хизмати беқиёсдир. Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармасининг «Наврўз — боқий байрам!» танловига тақдим этилган материалларнинг ранг-баранглиги ҳам бу борада ижодкорлар янада изчил изланаётганидан далолат беради.

Танлов ҳайъати бу йилги Наврўз шодиёналарини кенг ва муфассал ёритишда **«Ўзбекистон овози»** газетаси ва **«Соғлом авлод учун»** журнали таҳририятлари, ижодкорлар орасида эса **«Халқ сўзи»** газетаси бўлим муҳаррири, журналист **Норқобил Жалил** ибрат кўрсатганлигини қайд этди, шу боис улар танловнинг рағбатлантирувчи мукофотига сазовор бўлдилар.

«Наврўз-98» шодиёналарини энг яхши ёритган таҳририят учун» ажратилган мукофотга Сурхондарё вилоятининг **«Сурхон тонги»** газетаси таҳририяти муносиб кўрилди.

«Энг яхши мақола учун» таъсис этилган биринчи даражали мукофот билан **Ўрол Ўзбек** («Қадрият» газетасида эълон қилинган «Қуёш соати» мақоласи учун), **Икром Искандар** («Маърифат» газетасида эълон қилинган «Наврўз хислатлари» туркум мақолалари учун) тақдирланди.

Иккинчи даражали мукофотга шу мавзудаги туркум мақолалари учун **Абдусаттор Тошимбетов** («Нурлы жол» газетаси) ҳамда **Жаҳонгир Ҳолиқов** («Марказий Фарғона» газетаси) сазовор бўлишди.

Учинчи даражали мукофотга эса саҳифани безаш-даги маҳорати учун **«Овози тожик»** газетаси ходими **Шерпўлат Вакилов,** радио орқали берилган эшиттиришлари учун журналист **Муҳаббат Мирсаидова** муносиб кўрилди.

● Эртага—Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистон тарихида илгари ҳеч қачон оммавий ахборот воситалари ходимлари зиммасига ҳозиргидек шарафли ва масъулиятли вазифа юкланмаган. Ҳеч бир замонда оммавий ахборот воситаларига ҳозиргидек эътибор ва рағбат кўрсатилмаган. Негаки, матбуот ҳеч бир замонда мустақиллик давридагидек чинакам миллийлик касб этмаган. Илгари у мустабид тузумнинг халқимиз табиатига ёт ҳукмрон ғоясини тарғиб қилишга маҳкум эди. Бугун ўзбек матбуоти, энг аввало, мустақил мамлакатимиз ва инсон манфаатларининг ҳимоячиси, давлат ва жамият ўртасида холис воситачи сифатида фаолият юритмоқда. Бу жараён ҳар бир журналистдан янада жасур ва фидойи, фаол ва ҳозиржавоб бўлишни, воқеалар қозонида қайнашни, ижодий маҳоратини узлуксиз ошириб боришни тақозо этади.

Ислом КАРИМОВ.

ТЎРТИНЧИ ҲОКИМИЯТ: БУРЧ ВА МАСЪУЛИЯТ ҚИРРАЛАРИ

Эртага Ўзбекистон матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари ўзларининг касб байрамларини олтинчи марта нишонлайдилар. Бу юртимиздаги ҳар бир журналист-қаламкаш, шунингдек, газетхон, журналхон, телетомошабин, радиоихлосмандлар қўйингки, халқимизнинг барча табақаси томонидан интизорлик билан кутиб олинадиган байрамдир. Бунинг боиси бор. «Ўзбекистон тарихида илгари ҳеч қачон оммавий ахборот воситалари ходимлари зиммасига ҳозиргидек шарафли ва масъулиятли вазифа юклатилмаган, — дея таъкидлаган эди республикамиз Президенти ўз маърузаларидан бирида, - негаки, матбуот ҳеч бир замонда мустақиллик давридагидек чинакам миллийлик касб этмаган. Илгари у мустабид тузумнинг халқимиз табиатига ёт ҳукмрон ғоясини тарғиб қилишга маҳкум эди. Бугун ўзбек матбуоти, энг аввало, мустақил мамлакатимиз ва инсон манфаатларининг ҳимоясиси, давлат ва жамият ўртасида холис воситачи сифатида фаолият кўрсатмоқда.

Юртимиз раҳбарининг сўзларидаги «шарафли ва масъулиятли вазифа» иборасига аҳамият беринг. Унда ҳикматли маъно бор, зеро журналистика бу халқимиз чин дилдан ишонган, иноннган, меҳр қўйган, ардоқлаган касбдир.

Истиқлол қалам аҳли, ижодкор учун жуда катта имкониятлар эшигини очиб берди. Унинг ҳақ-ҳуқуқлари, бурчи, вазифаси, фаолият доираси давлатимиз парламенти томонидан Қонун ила мустаҳкамланиб қўйилиши ҳам матбуот, оммавий ахборот воситаларининг иши бу давлат аҳамиятига молик иш эканлигини исботлаб турибди. Демак, биз ҳам ўзимизга юклатилган бурч, вазифа масъулиятини ҳамиша ана ўша юксак ишонч тарозиси билан ўлчаб бормоғимиз даркор.

Мустақил Ўзбекистон бир неча ойдан сўнг ўз ҳурриятининг етти йиллигини нишонлайди. Янги озод, обод жамият қуриш мақсадида олиб борилаётган жуда катта яратувчилик ишларида матбуотчилар, бошқа оммавий ахборот воситалари ходимлари давлатимизга, халқимизга яқиндан камарбаста бўлмоқдалар. Улар ўзларининг ишончли қуроли-сўз воситаси ила жамиятимиз ютуқларини, намуна бўладиган ишларини кўз-кўз қилмоқдалар, камчиликларни ҳам рўй-рост кўрсатмоқдалар. Қаламкаш жамият билан бирга нафас олади, бирга қадам ташлайди, унинг жамият дардидан бошқа дарди, ташвишидан бошқа ташвиши йўқ. Юртимиз раҳбари тўғри ўқдириб ўтгани каби, аввалларидек ўзимизга ёт бўлган мафкурани хаспўшлашга мажбур эдик, энди эса қаламимизнинг учини она Ўзбекистон манфаатлари йўлида ўткирлаш мавриди етиб келди.

Ҳа, истиқлол бизга жуда катта имкониятлар яратиб берди. Қўлимизга кучли мафкура қуролини топширар экан, шу билан бирга елкамизга салмоқли юкни, бурчни, масъулиятни юклади. Ўша қуролдан оқилона фойдалана олиш, бу юк масъулиятини ҳис этиш бизлардан зукколикни, зийракликни талаб қилади. Шуни асло унутмаслик керак.

Бир нарса ҳақида алоҳида тўхталиб ўтмоқ лозим. Мустақиллик йилларида газета ва журналлар сони кескин ортди. Эндиликда республикамизда 670 та оммавий ахборот воситаси (1998 йил 1 январгача, мавжуд.

Ҳозирги кунда мустақил давлатимизда оммавий ахборот воситалари ва уларда хизмат қилаётган ижодкорларнинг эркин, кенг қамровли, ошкора фаолият кўрсатишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Кейинги икки йил ичида Олий Мажлис бир қатор Қонунлар қабул қилдики, улар ҳар бир оммавий ахборот воситаси ва ҳар бир журналист учун дастуриламалдир, ўзига хос ҳимоя воситасидир.

Матбуот ҳамда оммавий ахборот воситалари фаолиятидаги муҳим бир йўналиш бу танқиддир. Ҳаётимиз танқид билан тирик. У ҳақиқатнинг энг ишончли таянчи ҳамдир. Буюк ҳинд мутафаккири Маҳатма Ганди, жумладан, шундай деган эди: «Мен умрим давомида ихлосмандларимга қараганда танқидчи дўстларимдан, айниқса уларнинг танқиди тиниқ, мулойим ва дўстона суҳбат билан изҳор этилганда, кўпроқ фойда оламан».

Танқид холис бўлмоғи, пировард натижада у адолатнинг ғалабасига хизмат қилмоғи лозим. Ҳозир республикамизнинг барча газеталарида кўплаб танқидий мақолалар босиляпти. Бу яхши, албатта. Уларда янгиланаётган жамиятдаги ёт иллатлар, нохуш кўринишлар аёвсиз равишда очиб ташланмоқда. Лекин айрим ҳолларда газета-журналларимизда, телевидение ва радио чиқишларида танқид ниқоби остида ўзаро бир-бирига тош отишлар, ўч олишларга ўхшаш ҳоллар ҳам учраб қолиши мумкин.

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари баъзи бир гуруҳларнинг ўзаро, «мусобақалашуви» майдонига айланиб қолмаслиги керак.

Танқид, таъбир жоиз бўлса, журналистлардан

(Давоми 4-бетда).

ЎЗБЕКИСТОНДА ТОЖИКИСТОН КУНЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Тожикистон Республикаси ҳукумати ўртасида тузилган «Маданият ва ижтимоий соҳалар бўйича ҳамкорлик тўғрисида»ги битимга мувофиқ мамлакатимизда шу йил 29 июндан 5 июлгача Тожикистон Республикаси кунлари ўтказилади.

Вазирлар Маҳкамасида Тожикистон Республикаси кунларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмитанинг мажлиси бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирлик, идора, ташкилот, ижодий бирлашмалар, оммавий ахборот воситаларининг раҳбарлари, айрим вилоятлар ҳокимларининг ўринбосарлари иштирок этди.

Мажлисни республика Бош вазирининг ўринбосари, ташкилий қўмита раиси Алишер Азизхўжаев бошқарди.

Мажлисда ушбу тадбирга тайёргарликнинг бориши ҳақидаги масала муҳокама этилди. Маданият ишлари вазирининг ўринбосари Баҳодир Абдураҳимов, Ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Шоқосим Шоисломов, Ўзбекистон Бадиий академияси раиси Турсунали Қўзиев ва бошқа мутасадди ташкилотлар раҳбарларининг шу ҳақдаги ахборотлари тингланди...

Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси билан ўтказилаётган бу муҳим тадбир мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ришталарини, маданий алоқаларимизни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Мажлисда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Ўткир Раҳматов сўзга чиқди.

ТАБРИК

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Котибияти Матбуот ва барча оммавий ахборот воситалари ходимларини, шу жумладан, «Адолат» газетаси ижодий жамоасини анъанавий касб байрамлари билан қизғин муборакбод этади.

Узбек матбуоти мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни жадаллаштириш, мустақилликни мустаҳкамлаш, давлатимиз ва ҳукуматимиз сиёсатини кенг халқ оммасига етказишда чинакам жонбозлик қилиб келмоқда.

Бу оғир ва ниҳоят масъулиятли ҳамда шарафли ишда радио, телевидение ва барча оммавий ахборот воситалари ходимларига куч-қувват ва баркамол ижод тилаймиз. Ишонамизки, улар мустақил юртимиз равнақи йўлида бундан буён ҳам ҳормай-толмай курашаверадилар. Халқимизнинг асл фарзандлари бўлиб Ватанга, халққа хизмат қиладилар.

Байрамингиз муборак бўлсин азиз матбуот ходимлари!

Партиямиз фидойилари

ЭЛ ИШОНЧИ-КАТТА СИЙЛОВ

Отабой Отажонов 1949 йили туғилган. Тошкент Политехника институтини тамомлаган. «Ўзбекселмаш» заводида ишлаб, 12 йил давомида оддий токарликдан бўлим бошлиғи лавозимигача кўтарилган. 1989 йилдан эътиборан Урганч шаҳридаги ўт ўриш машиналари заводи (акционерлик жамияти)нинг раҳбари. «Адолат» социал-демократик партияси Урганч шаҳар Кенгашининг 1-котиби, вилоят Кенгашининг депутати.



— Отабой Отажонович! Мана Сиз «Адолат» социал-демократик партияси Урганч шаҳар Кенгаши тузилгандан бери унга раҳбарлик қилиб келаётирсиз. Ҳам ўз сафларида 200га яқин партия аъзоларини бирлаштирган ташкилотга, ҳам 250 кишилик катта жамоага раҳбарлик қилиш бироз қийинчилик туғдирмайдими?

— Албатта, бироз кийинчилиги бор. Лекин бундан бир неча ой муқаддам партиямиз вилоят Кенгашининг биринчи котиби Йўлдош Худойберганов «Адолат» газетаси муҳбири билан бўлган суҳбатда айтиб ўтгани каби, партиямизга ўз ишига меҳр қўйган жонкуяр одамлар йиғилганлар. Кундалик ишимда уларнинг ёрдамига таянаман.

Партиямиз сафлари кейинги пайтларда ҳалол, пок, адолатпарвар кишилар ҳисобига анча кенгайди. Ҳозир шаҳримизда бир неча юз аъзога эгамиз. Лекин яна бир бор такрорлашни истар эдикки, биз ҳеч қачон сонни сифатдан устун қўйган эмасмиз...

—Шаҳарнинг «Адолат» партияси фаолият кўрсатаётган ташкилотларида партия аъзоларининг роли қандай кўзга ташланади?

—Шаҳримизда 9 та бошланғич ташкилот бор. Лекин узоққа бориб ўтирмайликда, мана шу ўзимизнинг завод — ҳиссадорлик жамиятини олиб кўрайлик. Бу ердаги бошланғич партия ташкилотига менинг исмдош ва фамилиядошим Отабек Отажонов раҳбарлик қилади. У катта обрўга эга одам. Заводимиз ҳаётига таллуқли энг муҳим масалаларни муҳокама қилишда биз у кишининг фикр-мулоҳазаларини албатта инобатга оламиз.

Шаҳар Кенгашининг II-котиби, маиший хизмат касб-ҳунар лицейининг директор ўринбосари Собиржон Шоликоров ҳақида ҳам ана шундай илиқ гапларни айтиш мумкин. Вилоят миқёсида бизга ҳам кундалик эътибор кучайиб бормоқда. Бу — партиямизнинг мавқеи мустаҳкамланиб бораётганидан далолат бериб турибди.

— Сиз раҳбарлик қилаётган жамоа вилоятдаги йирик, аҳил жамоалардан бири. Мавриди келганда бу ҳиссадорлик жамияти билан газетхонларни яқиндан таништириб қўйсак ёмон бўлмасди.

— Биз қишлоқ хўжалик ходимлари учун улар ихтиёридаги механизмларга плуг, сеялка, ўт ўрадиган механизмлар, қишлоқ хўжалик машиналарининг эҳтиёт қисмларини тайёрлаб берамиз. Бу йил пахтани плёнка остига экиш учун 800 донага яқин сеялка тайёрлаб бердик. Тажриба тариқасида АҚШнинг «Кейс» тракторларига ер ҳайдовчи «Магнун» плугларини тайёрладик. 150 минг долларлик маҳсулотимизни Россия Федерациясига сотдик.

— Жамоа аъзоларининг турмушига кўпчилик ҳавас қилади, дейишади...

— Ҳавас қилишса, бу яхши, албатта. Келинг, фактларга мурожаат қилайлик. Ишчиларимизнинг ўртача иш ҳақи ойига 15 минг сўмни ташкил этади. Ўтган йилнинг ўзида 155 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардик, 36 миллион соф даромад олдик.

Заводимиз ҳиссадорлик жамиятига айлантирилгач, бу нарса ўзининг ижобий самарасини кўрсатди. Фақат ўтган йилнинг ўзида 7 миллион сўм дивиденд олинди. Жамоанинг, қўлида акциялари бўлган ҳар бир аъзоси 35 минг сўмдан дивидендга эга бўлди.

Ишчиларга бепул тушлик овқат бериш одат тусига кирган. Бот-бот, заводимиз имкониятларига қараб, уй-жой қурамиз. Шу кунларда 8 та хонадонга эга бўлган уй қуряпмиз. Уларни меҳнатда ўрнак кўрсатган фидойиларга ҳадя қиламиз.

Заводимизда ёшлар кўп. Уларнинг бахт тўйини ўзимиз завод ошхонасида ўтказамиз. Афғонистон жанггоҳида бўлиб қайтган 9 нафар йигит бор. Ҳар бир байрамда уларга совға-салом қилишни унутмаймиз. Барчасига завод ҳисобидан уй-жой бердик.

— Корхонада ишчилар сулоласини мустаҳкамлаш борасида яхши ишлар қилинаётгани қулоғимизга чалинди...

— Ҳа, бу гапда жон бор. Халқимиз «Қуш уясида кўрганини қилади» деб бежиз айтмаган. Шу сабабдан ҳам биз корхонамизда ишчиларнинг мустаҳкам сулоласи бўлиши учун курашяпмиз. Меҳнатда тобланган, эл орасида қадр-қиммат топган ишчиларнинг фарзандлари ўз оталари ёнида ишлаб, маҳоратларини ошириб боришлари, сўнгра эса уларнинг ўринларини босишларини истаймиз. Шу мақсадда бир талай тадбирларни амалга оширяпмиз. Масалан, экспедиторимиз Баҳодир Шоликоровнинг ўғли Исломбек заводда слесарь бўлиб ишлайди. Уни заводимиз кучи билан Бухоро Техника институтига ўқишга жойладик, яъни институт билан шартнома тузиб, ўқиш ҳақини тўлаб боряпмиз. Бундай мисоллар талайгина.

— Мамлакатимиз ўз мустақиллигининг 7 йиллигини кутиб олишга тайёргарлик кўраётир. Истиклолнинг шарофати корхона ҳаётида қандай из қолдирди?

— Аввалари, мажозий маънода айтсак, бизнинг қўлимиз боғланган, ташаббусга йўл йўқ эди. Энди эса ишчиларимиз, муҳандис ва техниклар ўзларининг ижодий куч-ғайратларини тўла ишга солган ҳолда фидойилик кўрсатиб меҳнат қилишлари учун барча шароитлар мавжуд. Ушбу ўтиш даврида биз, раҳбарлардан катта масъулият талаб қилинади. Зеро халқ ишончи бу катта сийловдир.

Ўз мухбиримиз ёзиб олди.

Ўрта Чирчиқ туманидаги А. Навоий номли ширкатлар уюшмасида буғдойдан мўл ҳосил етиштирилди.

Бу йил ғаллакорлар ҳар гектардан олинадиган ҳосилни 40 центнерга етказмоқчилар. Ширкатдаги 690 гектар майдоннинг барчасида ҳосил сиз кўриб тургандай мўл бўлган.

СУРАТЛАРДА: Ширкат раиси Абдураззоқ Оғабеков, камбайнчи С. Бозоров, ижарачилар Шомил Нуриддинов ва Рустам Мамаюсуповларни кўриб турибсиз.

Ҳусанбой АВВАЛОВ олган суратлар.

• Қишлоқда иқтисодий ислоҳотлар қандай бормоқда?

ҲАМКОРЛИК МАҲСУЛИ

Уч йил илгари Фарғона вилоятида Жанубий Корея билан ҳамкорликда қўшма корхона ташкил этилиб, пилланинг ностандарт, яъни, қорапачақидан тўқли газлама ишлаб чиқариш йўлга қўйилган эди. Бухородаги пилланинг қорапачақлари эса Когон районидаги чўчқачилик фермасига жўнатиларди.

Бугунги кунга келиб бундай хўжасизликка чек қўйилди. Яқинда Жондор районининг «Бухоро» жамоа хўжалигига қарашли «Далмун» қишлоғида «Ходан» ўзбек-хитой қўшма корхонаси иш бошлади. Вилоят «Пилла-холдинг» акционерлик жамоасининг таклифига ва шартномасига асосан қорапачақдан ипакнинг бошланғич маҳсулотини ишлаб чиқарувчи 6 дона асбоблар қурилди. Ушбу дастгоҳларда 40 нафар ишчи ишлай бошлашди. Уларнинг, яъни, корхонанинг йиллик режаси 400 тонна ностандарт қорапачақ пилладан маҳсулот олишдир.

Биз ушбу дўстлик шартномасини тузиб иш бошлашда ташаббусни қўлга олган Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси савдо ва иқтисодий масалалар бўйича маслаҳатчиси Чжу Чуньжунь билан суҳбатлашдик.

— Хитойда пилладан юқори сифатли ипакли маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун янги технологиялар қуриш қизиб кетган. Биз мана шу янгиликларимиздан ўзбекистонлик биродарларимизни хабардор қилиш тарафдоримиз, — деди у.

Жаноб Чжу Чуньжунь билан бўлган суҳбатимиз давомида яна шу нарса аён бўлдики, ушбу корхона қурилиши 3 босқичдан иборат экан. Унинг қурилиши 2000 йилгача мўлжалланган бўлиб, иншоот ишга туширилгач тайёр маҳсулотни харидорлар қўлига етказиб беришгача бўлган ишларни бажариш имконига эга бўлади. Яъни, 1998 йилда 1 босқич — қорапачақдан ипаклар олиш, 1999 йилда 2 босқич ипаклардан нозик иплар тайёрлаш, 2000 йилда эса 3 босқич — нозик ипакли иплардан жаҳон андозаларига мос, тоза сифатли ипакли матолар ишлаб чиқариш конвейерини қуриш таъминланади.

Гулнора САМИЕВА «Адолат»нинг ўз мухбири.

Internet ДУНЁ: ЭНГ СЎНГГИ ЯНГИЛИКЛАР

❖ Германия Федератив Республикаси Мудофаа вазири Фолкер Рюэ мамлакат парламенти — Бундестагнинг ҳарбий ишлар бўйича комиссияси йиғилишида сўзга чиқиб, НАТО ҳарбий самолётларининг Албания ва Македония чегаралари яқинида ҳарбий тайёр ҳолатга келтириб қўйилиши ўта муҳим эканлигини қайд этди. НАТО қуролли кучларининг тайёрлиги Сербиянинг Косово муаммосини тезликда ҳал этишига туртки бўлиши мумкин.

❖ **Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Афғонистондаги миллий яраш масалалари бўйича комиссияси Афғонистон ҳудудида жойлашган тожик мухолифати вакилларини ўз ватанларига қайтариш юзасидан иш бошлади. Тожикистон ва Афғонистон чегарасида жойлашган Толуқон шаҳрида тўпланган мухолифат вакиллари Тожикистоннинг Панж вилоятига олиб келинади.**

❖ Шимолий Ҳиндистоннинг тоғли йўлларидан бирида туристлар ўтирган автобус қулаб тушган. Бунинг оқибатида 37 киши ҳалок бўлган. Ҳиндистонда сўнгги ҳафтада шундай тоғ йўлларидаги ҳалокатлар сони 5 тага етди. Ўтган ҳафтада Жамну ва Кашмир вилоятида содир бўлган йўл ҳалокати туфайли 50 киши ўлган эди.

❖ **Беларуссиядан Европа Иттифоқига аъзо беш давлат, шунингдек, Америка Қўшма Штатлари, Польша ва Япония элчилари ўз ватанларига жўнаб кетдилар. Ушбу давлатлар элчилари Беларуссия ҳукумати томонидан Минск яқинидаги «Дрозди» посёлкасида жойлашган дипломатлар уйларининг мусодара этилганига норозилик билдириб шундай қилганлар. Хорижий давлатлар вакиллари Беларуссия ҳукуматининг бу хатти-ҳаракати Вена Конвенциясига мутлақо зид эканлигини қайд этганлар.**

❖ Исроил ҳукумати Америка Қўшма Штатлари томонидан таклиф этилган Фаластинга араб ерларининг 13 фоизини қайтариб бериш режасига ҳамон қайсарлик қилиб рози бўлмаётир. Шунга қарамай, Бош вазир Нетаньяху фаластинликларга араб ерларини қайтариш юзасидан миллий референдум кунлари ўтказиш ниятини билдирган.

❖ **Чеченистон Президенти Аслан Масхадов Фармонига биноан мамлакатда фавқулодда ҳолат эълон қилинди. Фавқулодда ҳолат 15 июлга қадар давом этади, ҳар куни кеч соат 22 дан эрталаб 6 гача комендантлик соати ҳукм суради. Чеченистон раҳбариятининг нима учун бундай қарорга келганлиги тўғрисида хабар берилмаяпти.**

❖ Россиянинг Хабаровск ўлкасида ҳар куни ўртача 8 тадан ёнғинлар содир бўлмоқда. Асосан ўрмонзорларга ўт кетмоқда. Хабаровск раҳбариятининг бу ҳалокат билан курашишга қурби етмаётир. Ёнғиндан азият чеккан ўлка фуқаролари касалхоналарга ётқизилмоқда. Жабрланганлар орасида 37 нафар мактаб ўқувчилари ҳам бор. Улар дам олаётган ёзги лагерь ёнғин туфайли куйиб кул бўлган.

• Байрам табассуми

— Жуда зўр ўлжа бўлди-да, Бозорвой, хўжайин энди қаттиқ бир «эриса» керак...



— Айтганимни қилмасаларинг, ҳозир қўйвораман...



— Нега раисни калтакладингиз?

— Ўзингиз дабдала қилиб уриб кел деб жўнатдингиз-ку!..

Собир ХОЛБЕКОВ чизган суратлар.

Замон нафаси

ҚУЛОҚ ЭШИТМАГАНИНИ КЎЗ КЎРАДИ

Инсон кўнглида армон бўлиб туғилган хасталикни даволашда шифокорларнинг қўшган ҳиссаси салмоқли. Аммо яқин-яқингача кўз касаллиги билан боғлиқ бўлган муаммоларни назарда тутадиган бўлсак, бу соҳадаги жарроҳлик ишлари Ҳамдўстлик мамлакатларидаги машҳур клиникада амалга оширилар ёхуд уларда ишлаб, тажриба ортгирган кишиларни қидириб топишга тўғри келарди. Қисқаси, хасталик бир тараф, унинг югур-югурию ташвиши бир тараф бўларди. Эндиликда бўлса... Денов шаҳар кўз касалликлари шифохонасида бу муаммога бира тўла барҳам берилди. Жарроҳлик йўли билан ожиз кўзга кўз гавҳари қўйилди. Бу ишни моҳир жарроҳ Мардон Қодиров амалга оширди.

ҚАТОРДА НОРИНГ БЎЛСА...

Инсон зоти борки, у хайр-эҳсонга мойил. Айниқса у ибратга молик ишлар билан қўшиб олиб борилса киши қалбида яхшиликка бўлган ишончни яна ҳам мустаҳкамлашга ёрдам беради. Агар сиз бу ҳақда Ангор туманидаги «Савдогар» хусусий фирмаси саркори тадбиркор Сиддиқбой Ўзмановдан сўрасангиз: «Ахир ночорларнинг кунига қачон яраймиз?» — деб қисқа қилиб жавоб беради. Сўз исботи билан, деганларидек, яқинда бу жамоа уруш ва меҳнат фахрийлари, ногиронларнинг 200 нафарига ош тортиб, зиёфат берди. Қаторда норинг бўлса, юкинг ерда қолмаслиги рост экан!

ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ТИКЛАНАДИ

Шарқнинг кўзга кўринган тариқатчиси ва мусулмон дини тараққиётига катта ҳисса қўшиб ном чиқарган Ал-Ҳаким ат-Термизий келажак авлодлар учун ибрат бўлиб хизмат қилгани кўпчиликка маълум. Ҳозирги кунда у кишининг табаррук қабрини зиёрат қилиш учун келаётган минг-минглаб ватандошлар фикримизнинг исботидир. Ана шу ва яқинлашиб келаётган Термиз шаҳрининг 2500 йиллигини нишонлашни кўзда тутган Сурхондарё вилояти ҳокимлиги махсус қарор қабул қилиб, шанбалик ўтказган эди. Шанбаликдан тушган барча маблағ «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси вилоят бўлимининг ҳисоб рақамига ўтказилиб, буюк алломанинг қадамжосини таъмирлаш, обод қилиш ва бобомиз ҳаёт йўлини ёритишни кўзлаб яратилажак видеофильм харажатларига сарфланади. Қарангки, халқимиз эъзозлаган қадриятлар мустақиллик туфайли қайта тикланмоқда!

Мажид АБДУРАИМОВ, «Адолат»нинг ўз мухбири.

Биз ҳар куни ҳар хил йўллардан юрамиз. Аммо уларнинг ҳодиса ва тасодифларга тўлалигини ҳар доим ҳам кўз олдимизга келтиравермаймиз.

Ўз хизмат постларида мустаҳкам туриб, вазифаларини пухта адо этаётган Тошкент вилояти Ички Ишлар Бошқармасининг давлат автомобил назорати бошқармаси йўл патруль хизмати ротаси жамоаси йўлларда содир этиладиган ҳар-хил тасодифларнинг, воқеа- ҳодисаларнинг олдини олишга бор имкониятини сафарбар этмоқда.

Бу туфайли йўл ҳаракат хафсизлигини таъминлашга эришмоқдалар.

СУРАТЛАРДА: Рота командири ўринбосари Муҳаммадкарим Холхўжаев жамоа аъзоларини янги вазифалар билан таништирмоқда. Йўл патруль хизмати нозири, милиция старшинаси Ислом Абдураҳмонов «Тошкент — Ўш» йўлида радар билан машиналар тезлигини аниқламоқда.

Ҳусанбой АВВАЛОВ олган суратлар.

СОХТА КОНЬЯК, ГЕРОИН ВА ТИЛЛА ҚОШ ҚИССАСИ

Божхона чорраҳасида

Бу манзарани кўриб ҳайратдан ёқа ушлайсиз. Божхона пости баъзан антиқа экспонатлар музейига айланиб кетади. Қадимий гиламлар, тақинчоқлар, сочпопуклар, тиллақошлар, катта-кичик картиналар, ҳайкалчалар... Фақат росмана музейларда улар бир нусхадан, бу ерда эса ўнлаб. Уларнинг ҳаммаси тарихимиз, маданиятимизнинг ажралмас бир қисми. Ишбилармонликни ниқоб қилиб олган баъзи кимсалар эса ана шу муқаддас тарихни пулга айлантириш мақсадида йўлга чиққанларида шу ерда тўхтатиб қолинган. Шугина эмас, божхона постида четга олиб чиқиш қонун билан тақиқланган тонналаб моддий товар бойликлари, озиқ-овқат маҳсулотлари, кўплаб валюта ушлаб қолинмоқда. Самарқанд вилояти божхона бошқармаси ходимларининг зийраклиги, юксак профессионал маҳорати туфайли ғайриқонуний ишларга қўл ураётган айрим ишбилармонларнинг ҳақиқий қиёфаси очилмоқда.

Назоратчилар божхонанинг «Юқори нуқта» постида давлат русуми АНН 26—80 бўлган «КамАЗ» автомашинасини тўхтатиб текширишганда катта жиноятни фош этамиз деб ўйлашмаганди. Бироқ, дастлабки текширувда Булунғурдаги яширин цехлардан биридан машинага ортилган 2 минг 490 шиша конъякка дахлдор ҳужжатлар уларда шубҳа уйготди. Накладнойда эса 3500 та деб ёзилган. Санаб чиқишса, кам чиқди. Сўраб кўришганда йўлда милиция олиб қўйди деб қолишди. Зудлик билан ўтказилган текширувда чиндан ҳам Булунғур туман ички ишлар бўлимининг Мусоқул Мирзаев ва Усмон Абдиев бошлиқ бир гуруҳ ходимлари йўлда машинани тўхтатиб, ундан ўз улушларини олиб қолиш эвазига ноқонуний юкка йўл очиб берганликлари аниқланди. Қарангки, лаборатория текширувида конъяклар сохта бўлиб чиқди. Улар оддий ацетондан тайёрлангани боис ҳаёт учун қанчалик хавфли бўлишига қарамай, Андижон вилоятининг Марҳамат туманидаги «Обиджон» хусусий фирмасига олиб кетилаётган экан. Юк эгаси Маматтурсун Обиджонов ва таъмагирлик кўчасига кирган булунгурлик милиция ходимлари ҳам суд ҳукми билан жазога тортилдилар.

Эътиборингизни яна бир мисолга жалб этмоқчимиз. Самарқанддаги «Мерос» ҳунармандлар уюшмасининг заргар устаси Маҳмуд Маъруров касбини тижорат билан қўшиб олиб бормоқчи бўлди-ю, аммо қонуннинг оддий талабларини унутиб қўйди. У тўрт юз икки минг юз сўмлик 167 дона заргарлик буюмларини декларация тўлғазмай, божхона назоратини четлаб Алмати шаҳрига олиб кетаётганида йўлдаги ДАН постида қўлга тушди. Ҳозир унинг устидан жиноий иш қўзғатилиб, тергов олиб борилмоқда.

Пулга тузоқ қўйиб виждонни ҳам сотишга тайёр кимсалар божхона тўсиғидан секингина ўтиб кетаман деб минг хийла-найранг ишлатишмасин, назоратчиларнинг зийрак нигоҳидан қочиб қутулишолмайди. Тойлоқ туманида яшовчи фуқаро Замира Муқимова ҳам шундай хом хаёлда «Тошкент—Волгоград» поездида сафарга чиққан эди, манзилга етолмай терговчига рўбарў бўлди. Унинг ҳам қопидан оз эмас, қиймати 475 минг 500 сўмлик хилма хил тарихий буюмлар чиқди.

Божхона постида валютани четга ғайриқонуний олиб чиқишга уриниш ҳоллари ҳам синчковлик билан аниқланмоқда. Жумладан, Қашқадарё вилоятининг Муборак шаҳрида истиқомат қилувчи фуқаро Римма Рибалко 1935 АҚШ долларини ҳамёнига солиб, божхона декларациясини тўлғазмай Волгоград шаҳрига йўл олаётганида поезддан — назоратчилар кузатувида тушиб қолдирилди.

Кишини фожеага етакловчи наркотик моддаларни яширин олиб ўтишга уриниш ҳоллари ҳам аёвсиз фош этилмоқда. Шу йилнинг 5 ойи мобайнида 19 ҳолат бўйича 6 килограмм 628 грамм наркотик, жумладан героин, опиум, марихуана ушлаб қолинди. 19 ҳолат бўйича жиноий иш қўзғатилиб, судга оширилди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Умуман шу йилнинг ўтган 5 ойида товар-моддий бойликларини четга олиб чиқиш билан боғлиқ 612 факт аниқланиб, 4 миллион 306 минг 955 сўмлик ғайриқонуний юклар мусодара қилинди.

Далиллар нимани кўрсатмоқда?

Бел оғритмай мўмай пул топишни, риёкорлик, алдов ва ҳиёнатни. Эътибор беринг: божхона чизигидан ўтолмай қолган тадбиркорларнинг аксарияти саводли кишилар. Қонунлардан яхшигина хабардор. Айримлари кичик корхона ва фирмалар очиб олишган. Аммо, таажжубланарлиси шундаки, уларнинг саъй-ҳаракатлари ички истеъмол бозорини молмаҳсулотлар билан тўлдиришга эмас, борини четга ташиб кетишга қаратилмоқда. Ахир қисқа вақтда божхона постидан 64 минг 595 сўмлик ун, 65 минг сўмлик макарон, 180 минг сўмлик ўсимлик ёғи, 125 минг сўмлик шакар, 153 минг сўмлик чой ва бошқа зарур озиқ-овқат маҳсулотлари четга хуфя тарзда олиб кетилиши мумкин эди. Фақат сўнгги дақиқада божхона назоратчиларининг зийраклиги иш берди. Контрабанда, наркобизнес йўли билан бойиб кетишни орзу қилган кимсалар-чи? Улар қалтис қадамларидан ўзларигина эмас, оила аъзолари ҳам узоқ вақт азият чекишларини ўйлаб кўришса чакки бўлмасди. Яқиндагина «Жартепа» постида 100 грамм қорадорини иштонига ип билан боғлаб олиб ўтмоқчи бўлган Тожикистон фуқароси Ҳайдар Бердиев ҳозир оиласидан узоқда тергов бермоқда.

Қорадори сўқмоқларида бахт излаб адашганлар, афсуски, якка-ёлғиз эмас. Қирчиллама қирқ ёшни уриб қўйган Бўрон Тожибеков ҳам оқ-қорани ажратадиган пайтида хатога йўл қўйди. Тожикистон Республикасининг Панжикент туманида яшовчи, мактабда ўқитувчи бўлиб ишловчи бу фуқаро Жартепа постидан пиёда 1 килограмм 787 грамм қорадорини олиб ўтмоқчи бўлганда ушланди. Душанбелик Давар Қаноатов ҳам шу постда тўхтатилиб, текширилаётганда саросимага тушиб қолди. Қарангки, у тинтув пайтида камзулининг ёқасига 195 грамм героин, 3320 АҚШ долларини билинтирмай тикиб қўйгани маълум бўлди. Ҳар иккала фуқарога нисбатан Узбекистон Республикаси Жиноят мажмуининг 246-банди билан жиноий иш қўзғатилиб тергов олиб борилмоқда.

Ургут туманининг «Оққўрғон» жамоа хўжалиги, Чеп қишлоғида яшовчи 23 ёшли Музаффар Ахтамовнинг ҳам устамонлиги иш бермади. У 552 грамм қорадорини белига боғлаб божхона чегарасидан ўтмоқчи бўлганда назоратчилар белбоғни ечиб кўрсатишни сўраб қолишди...

Сир эмас, мамлакатимизда иқтисодиётни юксалтириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш учун аҳамияти беқиёс, салоҳиятли ишларга қўл урилмоқда. Шунинг баробарида иқтисодиётга, истеъмол бозорига, жамиятнинг равнақига путур етказиши мумкин бўлган ғайриқонуний ишларга кескин зарба берилмоқда. Божхона тўсиқлари тоза ният билан йўлга чиққанларни саросимага сололмайди. Улар учун тижоратнинг ҳамма йўллари очиқ. Бироқ халқ ризқини қийиб, четга ташимоқчи бўлган, контрабанда, наркобизнесни хавфли машғулотга айлантириб олган кимсалар учун божхона ўтиб бўлмас қалъа, сўнгги бекат. Сохта коньяк, героин ва тарихий қийматга эга қимматбаҳо тақинчоқлар қиссаси шундан далолат бермоқда.

А. ПРИМОВ, Самарқанд вилоят божхона бошқармаси бошлиғи.

З. ТЎРАҚУЛОВ, «Адолат»нинг ўз мухбири.

• Бугун — Халқаро гиёҳвандликка қарши кураш куни

Таълим ва ислоҳот

БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАЙМИЗ

Гулистон Давлат университети қошидаги Янгиер шаҳар академик лицей-интернати ҳар йили ўз бағрига юзлаб истеъдодли ёшларни қабул қилади. Ушбу билим масканига иқтидорли олим Саме Саматов раҳбарлик қилиб келмоқда. Биз у билан суҳбатлашдик.

— Саме Саматович! Лицей-интернатда ўқувчилар чуқур билим олишлари учун қандай шароитлар яратилган?

— Бундан беш йил муқаддам лицей ётоқхона учун мўлжалланган битта уч қаватли бинода фаолият бошлаган эди. Орадан ўтган қисқа вақт ичида ўрта махсус ўқув юртлари учун мос келадиган йирик ўқув мажмуаси бизнинг ихтиёримизга берилди. Ушбу комплекс қайта таъмирланди, ўқув ва бошқа фойдаланиладиган зарур бинолар замонавий ускуналар билан жиҳозланди, кўпгина кабинет ва лабораториялар ташкил этилди. Бундай шарт-шароит ва имкониятлар ўқувчилар билимида ўз аксини топа бошлади. Академик лицей-интернатимизни тамомлаганларнинг 90-95 фоизи олий билим даргоҳларининг талабалари бўлишмоқда.

Дарвоқе, бу ерда яратилган шарт-шароит хусусида гап кетар экан, аввало шуни таъкидлаш лозимки, информатика ва ҳисоблаш техникаси фани бўйича 2 та синф, шунингдек ҳисоблаш маркази хоналари тўлиқ жиҳозланди. Физика фани бўйича учта лаборатория, электр ва оптика ҳамда механика ва молекуляр физика хоналари ташкил этилди. Кўпгина фанлар бўйича дарс ўтишда фойдаланиш учун ўқув техника воситалари хонаси, кимё-биология фанлари бўйича лаборатория хоналари, рус ва инглиз тили фанлари бўйича учта лингафон, видеотехника воситалари билан жиҳозланган. Шунингдек, ҳар бир фанни гуруҳларга бўлиб ўқитиш учун синфлар ташкил этилди. Кутубхона ва ўқув заллари дид билан безатилди. Улар барча турдаги адабиётлар, ойлик ва кундалик матбуот билан тўлиқ таъминланиб борилмоқда. Ходимлар ва ўқувчиларнинг бирон бир манба устида ишлаши учун барча қулайликлар яратилди. Ётоқхоналарда ҳам мўъжаз кутубхоналар мавжуд.

Бугунги кунда ўқув биносининг 1-қаватида телерадиостудия ишлаб турибди. Шунингдек, спорт зали ва майдончаси, мажлислар ва кино заллари яхшилаб жиҳозланган. 1996 йил ноябрь ойидан бошлаб лицей-интернат ўзининг газетасини чиқара бошлади. Ҳозирги кунда ушбу газета саҳифаларида лицейда амалга оширилаётган ишлар, янгиликлар, унинг ҳаётини қамраб олган, ўқувчиларнинг орзу-истакларини акс эттирувчи мақолалар кенг ёритилиб борилмоқда.

Қувонарли жойи шундаки, ўқув бинолари, ётоқхоналар, лицей ҳовлиси таълим-тарбия, маънавият ва маърифатга оид шиорлар ва чақириқлар, аҳли донишмандларнинг ҳикматли сўзлари билан безатилган. Лицей-интернат қошида 350 ўринга мўлжалланган иккита ётоқхона мавжуд. Бир йўла 350 ўқувчи овқатланиш имкониятига эга бўлган ошхона мунтазам ишлаб турибди. Яна шуни қўшимча қилиш мумкинки, лицей-интернат қошида соғлиқни сақлаш комплекси ташкил этилган. Тиббий хизмат кўрсатиш комплексида физиотерапия, жисмоний тарбия, тиш даволаш, ички касалликларга ташҳис қўйиш ва даволаш хоналари фаолият кўрсатмоқда, фитобар ишлаб турибди. Бундан ташқари, ўқувчиларга ўймакорлик, темирчилик, бичиш-тикиш, пазандачилик ҳунарларини ўргатишга ҳам алоҳида эътибор берилган.

Асосий мақсадимиз лицей-интернатни қобилиятли ёшлар шаҳарчасига айлантиришдир. Лицейда ўқувчиларнинг ҳар томонлама баркамол ўсиши, билим олиши, соғлом ривожланиши учун барча имкониятлар мавжуд. Лицейда ўқувчиларни том маънодаги ватанпарвар, ўз халқига жонкуяр, маданиятли юксак кишилар қилиб тарбиялаш учун бор чора-тадбирлар ишга солинмоқда. Қисқача қилиб айтганда, лицей-интернатда катта ишлар қилиняпти. Буларнинг барчаси келажак авлоднинг баркамол ривожланишига, юксак маданиятли, билимли ва одобли кишилар бўлиб етишишига туртки бўлади, албатта.

— 1998-1999 ўқув йили учун ўқувчилар қабул қилиш шартларини билиб қўйсак дегандик...

— Сирдарё вилояти умумтаълим мактабларининг 6, 7, 8-синфини намунали хулқ, «4» ва «5» баҳоларга тамомлаган иқтидорли ўқувчилар танлов асосида қабул қилинади: физика-математика, кимё-биология, иқтисод, муҳандис-педагог, ўзбек тили ва адабиёти, тарих ва ҳуқуқшунослик, хорижий тиллар бўлимлари ва бошқалар. Танлов шартлари асосан ўқувчиларнинг касб ва фанларга муносабати, қизиқиши ҳамда уларнинг иқтидорини аниқловчи тест синовлари орқали амалга оширилади. Ҳужжатлар 1998 йилнинг 1 июлидан 20 июлигача қабул қилинади. Тест синовлари эса 1 августдан 15 августгача ўтказилади. Лицей-интернатга кирувчи ёшлар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ариза, шаҳар ва туман халқ таълими бўлимлари ёки мактаб педагогика кенгаши тавсияномаси, 6, 7, 8-синфни тамомлагани ҳақида табел, тиббий маълумотнома, 4 донадан 3x4 ва 6x9 ўлчамидаги суратлар, турар-жойидан маълумотнома.

Манзилимиз: Сирдарё вилояти, Янгиер шаҳри, Саркисов кўчаси, 2-уй. Телефонлар: 72-22-15, 72-40-51; факс 72-22-43.

Лицей-интернатга қабул қилинганлар бепул овқат, ётоқхона билан таъминланадилар. Бундан ташқари, ўқувчилар барча қулайликлардан фойдаланиш имкониятига эга бўлишади. Машғулотларни университетнинг тажрибали профессор-ўқитувчилари ва лицей-интернатда доимий ишлайдиган малакали ўқитувчилар олиб боришади.

Суҳбатни «Адолат»нинг ўз мухбири Неъматилло МЎМИНОВ ёзиб олди.

— Дугонажон, гулдаста қилиб журналист акамни табриклайман...

— Сен-чи?

— Мен ҳам...

ПАЙҒАМБАРИМИЗ ЎГИТЛАРИДАН...

Деди:

— Ё, РАСУЛУЛЛОҲ! Даъват (дуо)ларим мустажоб бўлишини истайман!

Буюрдилар:

— Ҳаром ва шубҳали луқмадан ҳазар қил!

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1998 йил 23 июндан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун 1 АҚШ долларининг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:

1 АҚШ доллари — 91 сўм 36 тийин.

Эълон ва билдирувлар

БИРИНЧИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

1998—1999 ўқув йилида клиник ординатурага қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Акушерлик ва гинекология, кардиология, педиатрия, юқумли касалликлар, тери ва таносил касалликлари, асаб касалликлари, эндокринология, кулоқ, томоқ ва бурун касалликлари, ички касалликлар, кўз касалликлари, даволаш физкультура ва спорт, онкология, психиатрия, нур диагностика ва нур билан даволаш, стаматология, травматология ва ортопедия, физиатрия, жарроҳлик, нейрохирургия, гематология, курортология ва физиотерапия, болалар жарроҳлиги, аллергология, анестезиология ва реаниматология, ревматология, урология, клиник фармакология, пульмонология, наркология, болалар юқумли касалликлари.

КЛИНИК ОРДИНАТУРАГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ШАРТЛАРИ:

1. Клиник ординатурага 35 ва ундан кичик ёшда бўлган шифокорлар танлов асосида қабул қилинади, иш стажи касби бўйича 2 йилдан кам (бунга интернатура киради) бўлмаслиги керак.
2. Клиник ординатурага институтни «аъло» баҳолар билан тугатганлар институт илмий кенгашининг тавсияномаси билан танлов асосида қабул қилиниши ҳам мумкин.
3. Пуллик-контракт асосида қабул қилинадиган клиник ординаторлар ҳам юқорида қайд этилган шарт асосида қабул қилинадилар. Ҳужжатларни қабул қилиш муддати бир ой.

Маълумотлар учун манзилимиз: Тошкент шаҳри, Ҳамза кўчаси, 103. Аспирантура бўлими. ТЕЛЕФОН: 67-62-69.

1998 йилнинг 20 июнида оқ рангли «Жигули»да қолиб кетган сумка ичидаги Тошкент шаҳрининг Яккасарой туманидаги «Жавоҳир-ДЭ» хусусий ишлаб чиқариш тижорат фирмасига тегишли ҳужжатларни ким топиб олган бўлса фирмамизга келтириб беришини сўраймиз. Эвазига яхшигина мукофотга эга бўлишини маълум киламиз.

Телефон: 42-77-98.

Янги асарлар

Аллома Ҳабиб Абдуллаев ҳақида кўплаб хотиралар, илмий мақолалар ёзилган. Ҳозирги кунда ҳам халқимизнинг жонкуяр фарзанди, садоқатли шаън ўғлони Ҳабиб Абдуллаев шахси, фаолияти, миллий кадрлар тайёрлашдаги хизматлари ҳақида янги асарлар битилмоқда. Ёзувчи Ражаббой Ота Турк ҳам аллома ҳақидаги янги «Устун» романини ёзиб тугатди. Қуйида романдан боб эълон қилиб, улкан фан дарғасининг ҳали очилмаган қирраларига диққатингизни жалб этамиз.



❖ *Ражаббой Ота ТУРК*

УСТУН

(Романдан боб)

Назарида кўчалар шовқини тинди: атрофни сукут қоплаб, елкаларига совуқ—этни жунжиктирадиган оғирлик чўкди. Бундай лаҳзада Абдуллаев ҳеч қаерга сиғмай, ёлғизлик, дилхунлик онларини парчалаб, жисмини чирмаган пўлат боғичларни узиб ташлагиси келарди.

У бир муддат ҳавода муаллақ қотди; гўё атрофини оломон қуршаган очиқ майдонда қўл-оёғини, бутун танасини занжирбанд этишган кучлар таъсирида мажолсиздек туриб қолди.

«Йўқ-йўқ, йўқ, Мельниковлар келиб-кетаверади! — Абдуллаев кескин бош чайқади. — Аммо, бизнинг карвонимиз эсон-омон манзилига етиши шарт...» У шу дамда ўзи бошқараётган фан карвонининг келажаги ҳақида ўйлар экан бу йўлнинг қийинчиликлари ҳали-вери тугамаслигини биларди. Хаёллар билан аста илгарилар экан, Фанлар академиясига яқинлашганида кўзи шофёри Ҳамдам акага тушди. Анча йиллардан бери бир-бирига қадрдон, ҳар қандай вазиятда унинг кайфиятини сўзсиз англайдиган Ҳамдам ака бугун ҳам унинг истиқболига пешвоз чиқиб, ишорасини кутиб турарди. Абдуллаев ҳеч қачон бировнинг заҳрини бировдан олмас, оғир дамларда ўзини тута биларди. У қаршисида сезгир биродари янглиг садоқат изҳор этиб турган шофёри билан ҳазиллашишга журъат этди:

— Инсоф борми ўзи сизда, а, Ҳамдам ака? — деди шофёрининг кўзига тик боқиб. Домланинг жиддий гап оҳангидан Ҳамдам ака довдираб қолди. Тили калимага келмай зарур бир топшириқни эсидан чиқаргану, гўё шу топда домла таъна қилаётгандек ҳижолат тортди, кўзлари жовдираб беихтиёр елкасини қисиб, панжаларини ёйди. Унинг ҳолидан завқланган Абдуллаев:

— Э, қойил, яна бу одам ўзини билмаганга олади-я, — дея машинага ўтирди.

Ҳамдам ака машина рулини тутиб, домлага ҳижолатли қаради.

— Бир ҳафтадан бери бозорга йўлатмайсиз, нима, қасдингиз бормиди менда, қани, кетдик!

Шофёр шундагина «гуноҳ»ини англади. Кўпинча домланинг ҳазилу чинини англаш қийин. Нима бўлганда ҳам бугун домланинг руҳиятида ҳаловатсиз бир ўзгариш — тогдек нохушлик сездию, гапиришга ботина олмади. Ҳар қалай бехос бозорни қўмсаб қолиши бежиз эмас. Вақти-вақти билан харид қилиш, бозор баҳона турли ташвишларни бир дам бўлсин унутиш, яйраш унинг одатига айланган эди. Тошкент бозорлари унга кутилмаган завқ-шавқ бағишлар, олис-яқин қишлоқлардан йиғилган турфа одамлар, турфа ранг, ширин мевалар шаҳри — бозорни тез-тез қўмсаб турарди. Деҳқонлар билан дилдан хушчақчақ савдолашиб, суҳбатлашиб, олма, анор, нок, сабзавотлару барра қўкатларни танлаб-танлаб харид қилганида у ҳар қандай чарчоғини унутиб, севимли қишлоғидан хурсанд қайтгани каби яйраб остонасидан кириб борар — ушбу машғулоти ўзига бениҳоя ёқар эди.

— Домла, сиз қадам қўйган бозор кўзимга файзли кўринади, — шофёр самимий сўз қотди. — Харидингизни четдан кузатган кишининг ҳаваси ортади. Баъзан сизга тақлидан бозор қилмоқчи бўламан, ҳеч бир чиқмайди денг.

— Бурунги замонлар бўлгонидами, — Абдуллаев атай «г» ҳарфини «ғ» атаб мутойибага ўтди, — сизни жаноби шофёримиз лутф қилдилар, лутф, деб сийлаган бўлардим.

— Домла, мен рост айтдим, ишонинг, — шофёр ҳижолат тортди.

Абдуллаев унинг самимиятини тўғри қабул қилиб, мавзуни яна бозорга бурди:

— Билсангиз, бизнинг бозорларимизда ўзгача файз яшайди.

Бозор фақат тирикчилик воситасигина эмас, унда ҳикматлар илми яширин. Катта шаҳарларнинг бозорлари атроф-муҳитга таъсир ўтказиб, гўёки бир мактабдек ўз ўқувчисини тарбиялайди. Ҳеч бир киши бозорга шунчаки қадам босмайди. Бозорнинг бекорчисию ўғрисигача, очию тўқигача, ишбилармону сотувчисигача аниқ режа, ҳисоб-китобга эга. Шарқ бозорларининг таърифини Қодирий домла билан Ойбекдан ўтказиб таърифлай оладиган ёзувчи йўқ.

— Умрингиз узоқ бўлсин, домлажон, мен бир оми кишиман, — шофёр домланинг суҳбатга мойиллигидан вақти чоғ бўлиб, уни бироз бўлсин чалғитмоқчи, қалбининг туб-тубига чўккан оғриқни унутиришга чоғланди. — Тўғри, бозорда ҳикмат кўп, деб эшитганмиз, шунинг учунми «отанг бозор, онанг бозор» деб айтишган-да.

— Бозор таҳрирсиз, безаксиз бир саҳна, — деди домла янада руҳланиб. — Мен унда арзонни ҳам, қимматни ҳам, қадрлию қадрсизни ҳам кўраман. Бозорда ҳамён билан бирга ақл, инсоф, умуман, тирикчиликнинг қўлидан тутган барча воситалар баравар от суради.

— Домла, ўрни келди, бир гапни айтай, — Ҳамдам ака пешойнадан Абдуллаевнинг чеҳрасига қараб олди, — аммо, хафа бўлманг, сизни аяганимдан.., — у «айтсамми, айтмасамми» дея бир зум иккиланиб қолди.

— Феълимни яхши биласиз, дангалига кўчинг!

— Сиз баъзиларга ўхшаб «халқ-халқ» деб гапирмайсизу, лекин оддий кишиларнинг юмуши сабаб ўзингизга ғалва сотиб оласиз. Нима, ўшалар кунингизга ярармиди? Тешик қулоқ ҳаммада бор: эшитамиз, ҳамкасбларингиз сиздан кир излаб, айбномалар тўқишаётган бир дамда, сиз фан номзодлари ўзимиздан чиқсин, олимларнинг маоши кўпайсин деб...

— Аҳмоқ бўлиб юрибсиз денг, шундайми? — Абдуллаев ўриндиқда қайта ўрнашгандек бутун гавдаси билан қимирлаб қўйди.

— Узр, домла, ундай демоқчимасман, сиз шу халқнинг фарзандлари учун жон куйдираётганингизни, худо кўрсатмасин туҳматларга қолаётганингизни билишармиди? Оддийгинаси, бозорга боряпмиз, биров икки кило олмасини текинга беарармиди? Ҳамма қулингизга қарайди. Улар сизни эмас, қайтанга айтган нархига олиб, сиз уларни хурсанд қиласиз.

Домла бир нуқтага тикилгандек ўйчан бўлиб қолди. Машина тутқичини маҳкам сиқиб кескин рад этишга оғиз жуфтладию, негадир ўзини тийди, сукутини бузмади. Дақиқалар шу тахлит ўта бошлади. Домланинг сукути шофёрига ҳам кучиб, юрак ҳовучлаб, бутун диққатини йўлга қаратди. «Аҳмоқ бўлмасам, катталарнинг ишига бурнимни суқармидим» дея ичида ўзини қойиган бўлди у.

— Аслида-ку, гапингиз хафа бўлгулик, Ҳамдам ака, — Абдуллаев ўзига ўзи айтаётгандек босиқ гапирди. — Лекин сизни тушунаман... Билсангиз, мен ўзимнинг кимлигимни асло унутмайман. Шуни билингки, агар ҳамма ўзини ўйласа, эртаю кеч ўзини ўйлаб иш қилса, дунё дунёлигидан кечади. Оллоҳ бандасини синовлар, имтиҳонлар гирдобига ташлаган. Буни сезадиган, сезмайдиган, амал қиладиган, амал қилмайдиган бандалари бор. Оллоҳ берган умр давомида сизу мен ҳам синов гирдобидамиз... Тасаввур қилинг, мен ул зотники бўла туриб, нечун ўзимни ўйлайман? Инсон боласи бир-бирини тушунмас, тушунишга ҳаракат қилмас экан, у одилликни, инсофни қўлдан бой беради, адашади. Атрофга қаранг, турфа одамлар. Уларнинг нияти, истагидан қатъий назар Оллоҳнинг бандаси, деган улуғ ҳамда тенг рутбаси бор.

Сиз айтган деҳқонга келсак, у менга олмани текинга бермасин, аввало, уйида тинч, тўқ бўлсин, одамдек яшасин. Ана шунда мен уларда ўзимни кўраман. Мендан хато излаган ҳамкасбу баъзи раҳбарларга муносабатим, уларни тушунишга ҳаракат қиламан. Тарихда шундай лаҳзалар, бўладики, миллатнинг тақдирини ёруғлик ёки бутунлай залолат томонга буриб юбориш мумкин. Шундай лаҳзаларнинг бошқарувчилари бўлади, улар элнинг тақдири учун масъул, воситачи кабидирлар. Тақдир менга ҳам шу юмушдан зиғирдеккина улуш берган...

Абдуллаев чуқур тин олди. Лабларини қимтиб яна бир нуқтага тикилди. Шу тахлит бироз юрилгач:

— Хушламайдиган кишингизни бир лаҳза яхши кўринг, уни тушунишга ҳаракат қилинг, кечиринг, — деди. — Тўрт кунлик дунёнинг қусурларини ситабиати ўзгаришга мойил, йўқса, у қотиб қоларди, муаммолар ечимини тополмасди. Уни яратган Зот жамики мушкулотлар калитини оддий ҳодисалар, ҳаракатлар ичра яширган. Буни ҳамиша ҳам фарқлайвермаймиз. Хурсандчилик, хафалик каби икки ҳол тавсифи учун, уларнинг сабаб ва моҳиятини тушунтириш учун ўнлаб олимларнинг умри, мушоҳадаси керак. Фандан фан ясайвермай ўзимизни тадқиқ этсак тўғри бўлмасмикан? Баъзилар «қардошлик алоқалари»мией ёким «диннинг реакцион моҳияти» каби замонасоз мавзу талашиб олимлик даъво қилишади. Ижтимоий соҳалар қачонки инсон моҳиятига чуқур кириб борсагина ҳақиқий фан саналади».

Машина бекатга яқин жойда тўхтади. Шу асно Абдуллаевнинг кўзи чоғроқ халта кўтарган кампирни судраётган милиционерга тушди. Онахон халтасини маҳкам сиқканича унинг чангалидан қутилишга интилар, атрофда гала оломон уларни бефарқ кузатиб туришарди. Кампир нимаси биландир Абдуллаевнинг онаси Ибохон аяга ўхшар эди. У туйқус титраб:

— Машинани четга олинг! — деди.

Абдуллаев шашт билан «Волга»дан тушдида, шошилмай бир-бир босиб «улар»га яқинлашди, қари аёлни аямай тортқилаётган йигитга қаҳрли тикилганича:

— Нима гап? — деди.

Пешонасига ўроқ-болга, беш юлдуз қўндирилган фуражкасини қийшайтириброқ кийган кеккайган йигит:

— Кўрмайсизми, буни, — деди нописандлик билан, — ҳайдаган билан, чора кўрган билан уруғи камаймайди буларнинг! Ўзини гўлликка солиб, қонундан пеш чиқаман дейди!

— Торт қўлингни! — кутилмаганда буйруқдек янграган овоз йигитни довдиратиб қўйди. Аммо у паст тушгиси келмай атрофидаги оломонга бўйнини ўзиб бир қараш қилди-да:

— Чайқовчининг ёнини олиб, чакки қиласиз, гражданин, — деди. Абдуллаев унинг ўта қуруқ, расмий муомаласидан энсаси қотса-да, эшитмагандек шофёри томонга қайрилиб қаради. Зумда ёнида Ҳамдам ака пайдо бўлди.

— Онахонни машинага олинг, — Абдуллаев кампирга меҳрла боқди. Саросима ичра қолган кампир не қиларини билмай дам Абдуллаевга, дам совет милициясининг навқирон вакилига термулар, кутилмаганда пайдо бўлган — шу дамгача учратмаган мурувватли кишилар қаршисида кимга ишонишни билмай мубҳам қотиб қолди.

— Бардам бўлинг, ая! — Абдуллаев кампирга далда берди. Шофёр унинг қўлидан халтасини олиб, қўлтигидан суяди.

— Йигит! — Абдуллаев унинг қаҳрли кўзларига, тунд башарасига тикилди. — Қонунни ҳимоя қилиб тўғри қиласан, аммо сен жиноят билан жиноятчини фарқига бормас экансан. Онанг тенги аёлга кўрсатган ҳунаринг, сенинг кимлигингни айтиб турибди. Афсус, минг афсус, ҳайф сенга шундай имкон! — Абдуллаев нафрат билан ортига ўгрилар экан:

— Ўзингдан чиққан балонинг балочалари булар! — деди.

Машина оҳиста илгарилар экан, Абдуллаев олд ўриндиқда ўтирган, ўзига ҳамон ҳадиксираброқ қараб турган аёлнинг елкасига қўлини қўйиб:

— Она, нима гап ўзи, қаерлардан сўраймиз? — дея мурожаат этди.

Кампир ўз даҳмазасини ортга суриб, шу дамгача минмаган ҳашамли машина эгасининг кимлигига қизиқди:

— Болам, ўзинг кимсан, раисмисан? — кампирнинг билган, таниган амалдорлари ичра энг каттаси «Раис» ва «Райком» эди. — Йўқ, раис десам, раисга ўхшамайроқ турибсан...

Кампирнинг самимият тўла қалби, ўтказган ва ўтказаётган тирикчилиги юзу кўзларида, сўзларида намоён бўлди. Унинг оҳори тўкилган кийимлари, меҳнатда тобланиб қорайган ранги, ҳар фаслда ўзгариб турадиган юмушларининг турфа ташвиши бутун қишлоқ аёлларининг тимсоли эди гўё.

Абдуллаев унинг содда, пок қалбини тинглар экан, кампирни қучиб, юзларидан ўпиб, бутун дунёнинг ҳаловатию имконларини бағишлагиси келар эди. «Ҳа, оналар бахтга лойиқ, фақат бахтга лойиқ! Қариган, меҳрибон, фарзандли-набирали аёлларнинг тимсоли йўқ» — дея у ичдан энтикиб қўйди.

— Биттагина ўғлим бор, — кампир оловдек меҳр, иззат қуршовида яйраб, ўзини хотиржам тутди. — Худойимга шукрки, ўзидан кўпайди, еттита неварам бор, тўрттаси мактабга қатнайди. Ҳарна ўғлимга кўмак, деб озроқ кунгабоқар экканман. Шуни денг, озроғини қозонда тоблаб, бозорга чиқувдим. Чайқовчисан, деб ҳалиги мелиса бола роса таъзиримни берди. На бозорга қўяди, на бекатга. Болам, қани айтинг-чи, ўз томорқамда битган ҳосилни сотсам, чайқовчи бўламанми? Барака топкур гапимни ҳеч тингламайди-тингламайди. Ишқилиб, мени англамади, тушунмади.

— Куйинманг она, у бизнинг тилни тушунмайди, унинг ота-энаси эгнидаги тўқими, у шунга ишонади!

— Йўғ-е, болам, у ўзимизнинг йигитлардан, ўзбек, — кампир унинг ичдан куйиниб айтган сўзларига соддаларча эътироз билдирди. Абдуллаев эса шу чоғда бу оққунгил аёлнинг мушкулини осон қилиб, тезроқ қувонтиргиси, умри тирикчилик ташвишларига қоришиб, ҳалол яшаган қарияни заҳматдан буткул қутилишини истар эди.

— Буни қаранг-а, биз излаб тополмаган нарсани, сиз шундоқ қўлимизга тутқаздингиз, раҳмат, — Абдуллаев узоқ ахтариб тополмаган матоҳини бехос учратгандек қувнаб аёлга миннатдорчилик изҳор этди.

— Пистанинг харидори ўзимман, ҳаммасини оламан!

— Йўғ-е, болам, мени уялтирма, андишанг кўнглимни тоғ этди, мени суядинг, сени худо суясин, — кампирнинг дийдаси юмшаб кўзи ёшланди. — Сенга писта сотиб, ўлибманми, шундайича олавер, болаларингга совғоти, бағишладим...

Ўзбек хонадонининг қалби дарё, меҳрибон онаси самимияти қаршисида буткул лол қолган эди у. Суҳбатни давом эттирса, нечундир, кўнгли тўлиб, вужуди алланечук бўшашаётгандек ҳис қилди ўзини. Имкони топилсаю кампирни уйида онасидек асраса, унга меҳр, ҳимоя улашса. Йўқ, у ўз уйини, ёлгиз ўглию невараларини ҳеч кимга, ҳеч нарсага алишмайди. Ҳар қандай ҳаловатдан кечиб ўзини уларга бағишлашга тайёр у.

— Онажон, мен шу жойда қоламан, — Абдуллаев машинани тўхтатди. Шофёрга кампирни қишлоғига етказиб, иккиси бозордан харид қилган барча нарсаларни онахоннинг уйига киритиб беришини тайинлади ва ўн сўмликдан бир неча дона чиқазиб:

— «Пистанинг пули, онага бериб қўйинг» дея ортига ўгрилди. Икки қадам босмай тўхтади ва кампирни таажжубга кўмиб, унга жилмайиб, меҳр билан боқди, қўлини сал кўтариб, «Хайр» деди. Машина жилгач, уларнинг ортидан қараб қолди.

Эртага—Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни

● *Хотира — қалбдаги ҳайкалдир*

КЎНГЛИ НОЗИК ЭДИ...

Ўтган йили айнан шу куни, Оммавий ахборот воситалари ходимларининг касб байрами тантаналарида дўстимиз Турдибой Сойназаров сўз олганди.

— Келгуси йил шу кунларда яна ижодий куч-қувватга тўлган ҳолда учрашайлик, —деган эди у умидбахш бир оҳангда.

Мана, бу йил касб байрамимизни яна нишонлаяпмиз. Минг афсуски, бу сафар Турдибой акасиз... Уни бундан икки ой муқаддам тупроққа топширдик.

У таҳририятимиздаги ёши энг кекса ходим эди. «Адолат» ташкил топиб, оёққа туриб олгач сафимизга келиб қўшилганди. Унинг ҳар сафар, айниқса газета саҳифаланаётган куни таҳририят эшигидан кириб келишида пуҳикмат маъно бор эди. Мухбиримиз ўзи билан бирга Жиззах қўёшининг тафтини, чўлнинг бетизгин шамолини ҳам олиб келгандай бўларди. Одатдаги ҳазил-мутойибадан сўнг пайт пойлаб, бош муҳаррирнинг хонасига кириб келар ва унга ҳозиргина машинкадан чиқарилган бир-икки қоғоз материални узатарди.

— Мана шу янгиликни ушбу сонга бериб юборайлик, илтимос. Ҳозиргина «тандирдан узилган» хабар...

Навбатчи ходимлар бир ижирганиб олишарди: ахир саҳифалар тайёр бўлган, жой йўқ. Бироқ мухбиримизнинг кўзларидаги илтижо, сўзларидаги самимият ҳар қандай кишининг қўлидан қуролини олиб қўярди.

— Ахир бечоралар кунни кун, тунни тун демай чўлда ишлаб юришибди. Меҳнатини бир кўрсатиб қўяйлик...

Унинг ўзини ҳам ҳамма чўллик дерди. Дарҳақиқат, мўйлаби энди сабза урган йигитлик йилларида хаёлкашлик, яратиш, ижод дарди билан Наманганнинг сўлим қишлоқларининг биридан бош олиб чиқиб кетган, Жиззах чўлларига келиб қолган ва тақдири шу қайноқ ўлка билан боғланган эди. Жиззах чўлини ўзлаштиришда бу ердаги азаматларнинг хизмати қанчалар катта ва салмоқли бўлса, Турдибой Сойназаров хизматларининг ҳам шунчалик ўрни бор. Вилоятда у янгилик қидириб бориб, из қолдириб келмаган биронта хўжалик ёки бригада қолмаган бўлса керак.

Дўстлари уни ниҳоятда ҳурмат қилишарди, нодўстлари эса очиқдан-очиқ ҳайиқишарди. У чўл туманларининг бирида ўзини тадбиркор деб кўрсатиб, кўп ножўя ишлар қилган, ниҳоят панжара ортидан жой олган бир қимса ҳақида фельетон ёзгач, ҳалиги одамнинг охуридан ем еган лаганбардорлари мухбиримиз устидан турли юқори ташкилотларга игво хатлар йўллай бошладилар. Бундан дарак топган Турдибой ака бирдан хомуш тортиб қолди.

— Парво қилманг, — юпатдик уни, — оққуш ўзи оқ бўлгач, ҳар қандай ботқоқдан ҳам оппоқ ҳолда чиқаверади...

Лекин кап-кап этган томчи тошни ҳам тешар экан. Ҳақ сўз эвазига орттирилган мана шундай игво-туҳматлар унинг юрагини муддатидан анча аввал ишдан чиқарган бўлса не ажаб?

Унинг кўнгли эса ниҳоятда беғубор ва нозик эди... Мухбиримизнинг сал ортиқча гапдан, ноўрин ҳазилдан тез ҳафа бўлиб кетаверишидан бу нарсани гоҳо-гоҳо пайқаб қолардик.

Турдибой аканинг яхши бир одати бор эди. Тошкент шаҳри ва унинг атрофидаги санаторий ҳамда дам олиш уйларида Жиззахдан ким ётган бўлса, мухбиримиз аввал Олой бозорига бош суқиб оларди-да, сўнг ўша кишини кўриб келарди... Уйлаймизки, бағри кенг жиззахликлар ўз содиқ мухбирларининг хотирасини ташлаб қўймайдилар.

Бугун, касб байрамимиз куни ҳамкасбимиз — «Адолат»нинг Жиззах вилояти бўйича ўз мухбири бўлиб ишлаган Турдибой Сойназаровни даврамизда деб биламиз.

Тупроғинг майин бўлсин, дўстим, ҳамиша қалбимиздасан!

«Адолат» газетаси таҳририяти.

ТЎРТИНЧИ ҲОКИМИЯТ: БУРЧ ВА МАСЪУЛИЯТ ҚИРРАЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

асл фуқароларга хос ҳаққонийлик, мардликни талаб қилади. Қалам аҳли ўз замонидан бир қадам олдинда юриши кераклиги, нафақат ҳозирги воқеадан бохабар бўлиши, балки эртаси куни рўй берадиган ўзгариш ва ҳодисаларни ҳам нозик юраги ила илғай ола билиши кераклиги — бор ҳақиқат. Лекин, афсуски, баъзи ҳолларда биз ҳали-ҳамон воқеаларнинг кетидан эргашиб қоляпмиз. Фақат тўй ўтиб бўлгандан сўнг карнай чаляпмиз. Бу ўринда яқинда Қашқадарё вилоятида раҳбар ўзгариши билан боғлиқ бўлган воқеаларни эслаш ўринлидир. Республикамиз Президенти у ерда навбатдан ташқари сессияда иштирок этиб, йўл қўйилган барча ножўя ишларнинг юзидан пардани олиб ташлагач, вилоятда раҳбар ўзгаргач, бизни маъзур тутгайсизлару, ҳамманинг «тили» чиқиб қолди. Барча оммавий ахборот воситалари вилоятда бўлиб ўтган хунук ишлар ҳақида баралла жар сола бошладилар. (Хатто мўътабар бир республика газетасида мазкур воқеага бағишланган шеър ҳам чоп этилди). Ногоҳ савол туғилади: авваллари, ушбу вилоятдан қонунбузарлик ва бошқа ножўя кўринишлар ҳақида турли идораларга (оммавий ахборот воситаларига ҳам) ўнлаб шикоятлар тушаётганда, бу дўстларимиз қаёқда эдилар? Нега ўшанда ҳамма тилининг остига нос ташлаб олган каби, миқ этмади? Ёв қочгач, мард кўпаяди, дегани туғри экан-да! (Ногоҳ, «ўзларингиз-чи?» деган савол туғилишини сезиб турибмиз. Бу борада виждонимиз тоза. Фақат, ўтган йилнинг ўзидагина ҳафтасига бир марта чиқадиган «Адолат» да Қашқадарёдан 30 дан ортиқ танқидий мақола босилди..).

Касб байрамимиз арафасида Ўзбекистон матбуотининг кенжа нашрларидан бири бўлмиш «Адолат» газетаси фаолияти билан ҳам қимматли газетхонларимизни таништириб қўйсак мақсадга мувофиқ бўлар, деган фикрдамиз. Ҳозир газета 10 мингга яқин нусхада чоп этилаётир. Унда республикамиз ижтимоий-сиёсий ҳаётининг ҳамма жабҳаларини қамраб олишга ҳаракат қилинмоқда. Деярли барча вилоятларда газетанинг ўз мухбирлари ишлаб туришибди. Жойларда юзлаб ишчи ва қишлоқ мухбирларимиз бор. Биз улардан олаётган хатлардан иложи борича кўпроқ фойдаланишга ҳаракат қилаётирмиз.

Шуни тўла ишонч билан айта оламизки, таҳририятга келиб тушаётган бирон бир хат, ариза ёки шикоят беэътибор қолмайди. Ўтган йили ва шу йилнинг беш ойи мобайнида биз жойларга текшириш ва чора кўриш учун юборилган 95 та хатнинг 87 тасига жавоб олдик. Уларнинг кўпчилиги газета саҳифаларида эълон қилинди ва хат эгаларига тегишли жавоб қайтарилди.

Шуни мамнуният ила қайд қилишимиз лозимки, газетамиз халқимиз томонидан севилиб ўқилмоқда. Жойларда ижтимоий адолат тамойилларининг дарз кетиши, ноҳақликлар, қонунбузарлик ҳоллари ҳақида ҳикоя қилувчи, факт, ҳужжатларга таянилган материалларнинг кўплаб босилиши ўқувчиларимизда ўз севимли газеталарига бўлган ишончни кучайтирмоқда. Масалан «Машъум» Ўрикзор воқеаси», «Тубанлик», «Мени туҳмат балосидан ким асрайди?» каби салмоқли мақолалар юзасидан ўнлаб хатлар олдик. Газетамизда танқидий мақола босилгандан сўнг ҳамкасбимиз Мўмин Қаюмнинг ҳибсдан озод қилиниши фақат жабрланувчининг ўзи ва яқинларигагина эмас, балки бизларга ҳам маънавий озуқа берди.

Бироқ, шу нарсани ҳам таассуфлар ила айтишимиз лозимки, газетамиз ҳали халқимизнинг қалин қатлами орасига кириб бора олганича йўқ. «Адолат» га баъзи бир чекка туманларда атиги 3-4 кишигина обуна бўлганлиги, вилоятларда газета савдо дўкончаларига жуда кам миқдорда чиқарилаётганлиги матбуот тарқатувчи ходимларимиз ҳали бу борада кўп ишлар қилиши лозимлигини кўрсатиб турибди.

* **

Эртага нишонланажак матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларининг байрами бу нафақат журналист ва матбаачиларнинг, балки бутун халқимизнинг янги, севимли байрамларидан бири бўлиб қолди. У ижод аҳлининг ўз халқи билан янада яқинроқ, тиғизроқ боғланишига, жинслашувига, яқинлашувига кўмак беради.

Биз ҳаммамиз халқ хизматкоримиз. Кўрагига шамол теккан элимизнинг эзгу ишларида унинг ёнида туришни, юрагидаги гапни олиб чиқиш, оммалаштиришни, шу билан бахтли келажак биносини қуриш йўлидаги эзгу ишларида озми-кўпми ёрдам беришни ўзимизнинг фарзандлик бурчимиз деб биламиз.

Қутлуғ байрамимиз куни эса барча касбдошларимизга мана шу йўлда ҳормаслик ва толмасликни тилаб қоламиз.

Тўхтамурод ТОШЕВ,
Қодиржон СОБИРОВ.

СУРАТДА: «АДОЛАТ» газетаси ходимлари.

Абдулла ТУРДИЕВ

«ЭЛИМ ДЕБ, ЮРТИМ ДЕБ... ЁНИБ ЯША! ЖЎШ!»

Ижод бу — мозийдай энг кўҳна олам,
Эъзозлаб яшайди ҳар калом — сўзни.
Қўлингда учқунлар сачратган қалам —
Иймон булоғига чайганми юзни?!
Журналист — ҳаётни сувратлаган кўз,
Тийран нигоҳида яшар тўрт фасл.
Нон янглиғ мўътабар, нондек
тансиқ — сўз,
Сўз мулки — минг йиллик мўмиё... асл.
Ҳар сўз жилвасида жилғалар оқар,
Ҳар сўз елкасида юлдузли осмон.
Мозийдан буюклар нигоҳи боқар,
Қаламга эътиқод — эмасдир осон.
Ҳақиқат — кўзларни қамаштирган нур,
Ҳақиқат — қаламга сув билан ҳаво.
Ҳаттоки Ҳинд сори... юз бурган Бобур,
Соғинчли дардига излаган даво.
Фурқат ҳам қаламин юракка санчиб,
Айрилиқ шомига... о, кўмди ўзни.
Ҳижронни илоннинг бошидай янчиб,
Ўзни қурбон айлаб... асради сўзни...
Энди, азизларим, замонлар бошқа —
Ўзбекнинг ўзлиги бўйлайди дунё.
Истиқлол шукуҳи тенгдир қуёшга —
Мустақил бу юртда тўйлайди... зиё!
Бус-бутун бошқадир ВАТАН деган сўз,
Демакки, Ватанга сайқал бошқадир.
«Туфф-туфф» де, илоё, тегмасин-да кўз,
Илло, мангуликка ҳайкал бошқадир!
Буюклик мавжининг шитоби теран,
Шитоблар мавжига шитобингни қўш.
Бўйла, Юртбошининг хитоби теран:
«Элим деб, юртим деб ёниб яша! Жўш!!»
Эй, менинг куюнчак ижодкор дўстим,
Бир бор бўйладингми деҳқон кўнглига?!
Аллоҳ суйганига мададкор, дўстим,
Қаламинг ҳамрозми Ватан гулига?!!
Не бахт, Мустақиллик мактаб ёшида,
Мактаб ёшидами — демак, нав-ниҳол.
Беназир Бахт қуши — Ҳумо бошида,
Уни асрай билмоқ — шон-шараф, алҳол.
Алҳол, қалам бўлсин жасоратга эш,
Музаффар туғ билан ёндошмиз, зотан.
«Ижод деҳқонисан... заҳматингга
«беш!» —
Шундай деб қутлайди бугун юрт, Ватан!!!

24 июнь, 1998 йил.
Тошкент.

МАТБУОТ ҲАҚИДА КИМ ҚАНДАЙ ФИКРДА?

Эргаш КАРИМОВ:
Ўзбекистон халқ артисти:

— Гоҳо-гоҳо мен газетани электрга қиёс қиламан. Кулманг, нега куласиз! Фақат чироғингиз ўчиб қолганидагина электрнинг қадрига чинакамига етасиз. Унгача ишингиз бўлмайди... Уч-тўрт кун газета ўқимай кўринг-чи! Бир нарсангизни йўқотгандай ҳис қиласиз ўзингизни. Ё нотўғримми?

Ўткир ҲОШИМОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси:

— Республика Олий Мажлиси кейинги йилларда оммавий ахборот воситалари тўғрисида 5та қонун қабул қилди. Демакки, давлатимиз қалам аҳлига ишониб, унинг қўлига қудратли, ўткир қурол тутқазиб қўйди. Энди гап ўша қуролдан қай даражада оқилона фойдаланишда қолган, холос.

Халим БОБОЕВ,
Тошкент Давлат юридик институти ректори:

— Матбуотга меҳрим баланд. Ҳаётимни газета — журналларсиз, радио ва телевидениесиз тасаввур эта олмайман. Уларни ўқиб, кузатиб бораман. Журналистларнинг сермашаққат ижод маҳсулидан имкони борича баҳраманд бўлишга интиламан. Ҳамма ҳам журналист бўла олмайди. Уткир қалам соҳиби бўлиш бу чинакам бахт. Бу бахт уларни ҳамиша муродига етказсин. Доимо халқнинг назарида бўлиб, меҳрини қозониб юришсин. Муборак номларига асло дог тушмасин.

Аюб МУҲАММАДИЕВ,
Республика Олий судининг судьяси, Олий суд пленумининг котиби:

— Мустақиллик туфайли матбуотнинг нуфузи тобора ортиб бормоқда. Унинг мақомини кўтариш учун зарур ишлар қилинмоқда. Бу албатта, матбуотчиларнинг зиммасига катта масъулият юклайди.

Дунёда сўзнинг қудратидан улуғ нарса йўқ. Бир оғиз сўз билан одамнинг дилини парчалаб ташлаш ёки, аксинча, синган кўнглига малҳам бўлиш мумкин. Шунинг учун ҳам ҳар бир жумла, ҳар бир гап журналистларнинг юрак синтезидан ўтиб, газета юзини кўргани маъқул.

Мана, кейинги пайтларда амалдаги қонунларимизга мувофиқ айрим газеталарда берилган танқидий мақолаларнинг муаллифлари билан танқид қилинган фуқароларнинг судлашиши ҳам кўзга ташланмоқда. Шак-шубҳа йўқки, бу демократиянинг шарофатидандир. Илгарилари ўз шаъни, қадр-қиммати ерга урилганлигидан шикоят қилиб, судлашган одамни эшитмаганмиз. Бугун эса бошқача. Ҳар ким ўз иши учун ўз ўрнида жавоб бериши керак. Матбуотнинг ўткир сўзи холис ва адолатли. Демак, айниқса ҳуқуқий мавзуда қалам тебратаётган журналистларимиз суднинг қарори ҳали кучга кирмасдан мақола ва танқидий чиқишларни, фельетон ва суд очеркларини беришдан ўзларини тийишлари, воқеага олдиндан баҳо бериб қўйишдан сақланишлари зарур. Бу нарса матбуотга ҳеч қачон обрў келтирмайди.

Мен матбуотга, унинг заҳматкаш, фидойи қалам соҳибларига алоҳида ҳурмат-эҳтиром билан қарайман. Уларни анъанавий касб байрамлари билан табриклайман. Ушбу шеърим орқали байрам арафасида уларга дил сўзларимни етказаётганимдан бахтиёрман.

Кўрмоқ бўлдим чамалаб,
Матбуотнинг кучини.
Топгандайман амаллаб,
Калаванинг учини.
Сиғдираркан бағрига,
Чексиз етти иқлимни.
Кетолмайсан нарига,
Сеҳрлагач ақлингни.
Танламас муштарийни,
Берар барчага таълим.
Пеш қилмас хизматини,
Хассос устоз — муаллим.

Инсоф деб ёмонларга,
Яхшиларни асраркан.
Мустақил замонларга,
Меҳрини бағишларкан.
Эш айлайлик Ватанга —
Матбуотнинг кучини.
Ёниб адо этса соз—
Ижодкор дўст бурчини!..

Машариф ҚУВОҚОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони, Хоразм вилояти, Боғот тумани, «Боғот» жамоа хўжалигининг раиси:

— Ўз иш кунимни одатда газеталар билан танишиб чиқишдан бошлайман. Тонг саҳарда республика, вилоят ва туман янгиликларидан бохабар бўлиб олсанг, ишинг ўз-ўзидан юришиб кетаверадигандай туюлади... Газетачиларни касб байрами куни пахтакорлар номидан чин қалбдан қутлайман.

Гофир ота ТЎЛАГАНОВ,
Тошкент шаҳридаги «ГИФ-Жаҳон» фирмасининг бош директори:

— Мен асли савдо ходимиман. 55 йиллик меҳнатим шу соҳага сингган. Ҳозир нафақадаман. Набираларимни бағримга босиб, уйда тинчгина ўтирсам бўлади. Аммо бунга кўнглим йўл бермайди. Ёниб яшаб, ишлашни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Шунга монанд неваларимни ёнимга олиб, фирма очдим. Ўша пайтда газеталарнинг рекламаси бизга анча асқотди ва фирмамиз оёққа туриб олди. «Ўзбекистон» фирмали дўконимиз элнинг тилига тушди. Шундай: матбуот ҳамиша халқнинг қорига ярайди. Унинг кундалик турмушида асқотади. Истагим элу юртга нафи тегаётган бу соҳа кишилари доимо бор бўлсин.

Солижон ШАРИПОВ:
учувчи-космонавт:

— Рост айтсам, чексиз фазода учиб юрган кунларим бу ёқларга газета-журналлар ўз вақтида етиб келмаслигидан бироз афсусландим...

Лекин газета ва журнал менинг доимий ҳамроҳим.

МУҲАББАТИМИЗ ТАНЛАРИ

(29 июнь— 5 июль)

ҚЎЙ (21 март — 20 апрель)
Ушбу ҳафта ғаройиб саргузашт билан бошланади. Сешанба куни моддий аҳволингиз яхшиланади. Энг мураккаб вазифаларни пайшанба куни уддалайсиз. Якшанба куни бироз ишингиз юришмаслиги мумкин.

СИГИР (21 апрель — 21 май)
Душанба ва сешанба кунлари муҳим режаларни бемалол амалга оширасиз. Имкониятни қўлдан бой берманг. Аммо ҳафтанинг иккинчи ярмида келишмовчиликлар, кўнгилсиз воқеалар кутилмоқда. Яқин дўстингиз билан ораларингиз бузилиши ҳам мумкин.

ЭГИЗАКЛАР (22 май — 21 июнь)
Ижодий маҳоратингизни намойиш этиш учун чоршанба қулай кундир. Жума куни эски қадрдонларингиздан хабар топасиз. Дам олиш кунлари хонадонингиздаги мавжуд муаммоларни ҳал этиб, яқин кишингиз билан мулоқот қилишни маслаҳат берамиз.

ҚИСҚИЧБАҚА (22 июнь — 23 июль)
Спортга бўлган иштиёқингиз душанба куни намоён бўлади. Янги ишбилармон танишингиз билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик пайшанба куни кутилмоқда. Шанба куни севган кишингизга эътибор қаратинг.

АРСЛОН (24 июль — 23 август)
Ушбу ҳафта давомидаги асосий муаммо йўқотган соғлиғингизни тиклаш билан боғлиқ кечади. Фақат жума кунигина хасталик енгилади. Шанба куни янги танишингиз билан бўладиган учрашув келгуси режаларингизни ўзгартириб юбориши мумкин.

ПАРИЗОД (24 август — 23 сентябрь)
Мазкур ҳафтанинг бошида узоқ давом этадиган саёҳатга тайёргарлик кўриб кўйинг. Чоршанба куни ажойиб дамларни бошингиздан кечирасиз. Жума куни бироз ишингиз юришмайди. Якшанба куни телефон қўнғироғини кутинг, муҳим гапдан хабар топасиз.

ҚОВҒА (21 январь — 19 февраль)
Душанба куни мўмайгина даромад ишлаб олиш имконияти бор. Чоршанба куни севгилингиз бироз ҳаяжонланишингизга олиб келади. Шанба куни керакли жиҳозни сотиб оласиз.

БАЛИҚ (20 февраль — 20 март)
Сешанба куни саломатлигингиз бироз ёмонлашиши мумкин. Чоршанба-пайшанба кунлари асабингиз бузилади ва яқинларингиз билан келишмовчиликлар келиб чиқади. Жума куни қўлингизга пул тушади. Дам олиш кунлари ижодий қувватингиз ошганини ҳис этасиз.

ЧАЁН (24 октябрь — 22 ноябрь)
Душанба куни янгиликдан хабар топасиз. Сешанба куни содиқ дўстларга эга бўлиш қандай самара беришини ҳис этасиз. Молиявий ютуқ жума куни кутилмоқда.

ЁЙ (23 ноябрь — 21 декабрь)
Ушбу ҳафтанинг бошида ажойиб янгиликдан кўнглингиз кўтарилади. Чоршанба — ҳафта давомидаги энг омадли кундир. Жума куни ижод билан машғул бўлишни маслаҳат берамиз. Якшанба куни соғлиғингиз ёмонлашиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

ТОҒ ЭЧКИСИ (22 декабрь — 20 январь)
Сешанба — ишбилармонлик учрашуви ва музокаралар олиб бориш учун қулай кундир. Чоршанба куни асло бўшашманг. Жума куни бироз ишингиз юришмайди. Якшанба куни телефон қўнғироғини кутинг, муҳим гапдан хабар топасиз.

ҚОВҒА (21 январь — 19 февраль)
Душанба куни мўмайгина даромад ишлаб олиш имконияти бор. Чоршанба куни севгилингиз бироз ҳаяжонланишингизга олиб келади. Шанба куни керакли жиҳозни сотиб оласиз.

БАЛИҚ (20 февраль — 20 март)
Сешанба куни саломатлигингиз бироз ёмонлашиши мумкин. Чоршанба-пайшанба кунлари асабингиз бузилади ва яқинларингиз билан келишмовчиликлар келиб чиқади. Жума куни қўлингизга пул тушади. Дам олиш кунлари ижодий қувватингиз ошганини ҳис этасиз.

АДОЛАТ
Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши ва «Адолат» газетаси ижодий жамоаси.
ХОМИЙ: Ўзбекистон Республикаси «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик жамияти.
Бош муҳаррир: Тўхтамурод ТОШЕВ
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Турғунпўлат ДАМИНОВ, Абдували ҒУЛОММАҲМУДОВ, Улуғбек ДОНИЁРОВ, Нажмиддин КОМИЛОВ, Ҳалим БОБОЕВ, Анвар ЖЎРАБОЕВ, Акмал ҚОСИМОВ, Тўхтамурод ЖЎРАЕВ, Рустам АҲМАДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Акбархўжа РАҲИМОВ, Равшан ҲАЙДАРОВ, Рустам ҚОСИМОВ.
Мулоқот учун телефонлар:
Қабулхона — 133-41-89.
Котибият — 136-55-64.
Эълонлар бўлими: 136-55-96.
Навбатчи — Ҳикматуллоҳ ҚОДИРОВ.
Рўйхатдан ўтиш тартиби № 140. Буюртма Г— 0120, ҳажми—2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди.
● Мақолада келтирилган факт ва рақамлар учун фақат муаллифлар жавоб берадилар.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Босишга топширилди 22.00.
МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси-32.